



ХИКМАТЛАР





ҲИКМАТЛАР

ТОШКЕНТ «МАЊНАВИЯТ» 2010

Ушбу мажмуа ўқувчини улуг немис мутафаккири Гётенинг
фоятда бой бадиий ҳамда илмий меросидаги чуқур талқинли ўй-
фикрлари ҳамда шеърий жозибадорлиги билан алоҳида ажра-
либ турувчи ҳикматлари – заковат хазинаси дурданалари билан
таниширади.

Мажмуа ўқувчи ва талабалар, муаллим-педагоглар, маъна-
вият-маърифат иши жонкуярлари, кенг зиёлилар оммаси учун
мўлжалланган.

Тўпловчи, таржимон ва сўзбоши муаллифи
профессор *A. X. Сайдов*

Масъул муҳаррир:
филология фанлари номзоди *P. Кўчқор*

Г42

Гёте, Иоганн Вольфганг.

Ҳикматлар/ Иоганн Вольфганг Гёте; тўпловчи,
таржимон ва сўзбоши муаллифи А. X. Сайдов; масъ-
ул муҳаррир Р. Кўчқор. – Тошкент: «Маънавият»,
2010. – 112 б.

ББК 84(4Гем)

Г 4702620204-09
M25(04)-10

ISBN 978-9943-04-122-6

© «Маънавият», 2010

ГЁТЕ ҲИКМАТЛАРИ – ЗАКОВАТ ХАЗИНАСИ

2009 йили буюк мутафаккир Иоганн Вольфганг Гёте таваллудига 260 йил тұлды. Гёте олмон адабий тили ва адабиёти равнақыга бекіс ҳисса құшган улкан шоир, олим ва давлат арбобидир. У 1749 йилнинг 28 августыда Олмопиянинг Франкфурт-Майн шаҳрида империя маслаҳатчиси оиласида дүнёга келиб, 1832 йилнинг 22 марта Баймарда вафот эттеган.

Гётенинг ҳаёт йүли, ижодий ва илмий, давлат ва ижтимоий фаолияти жағон, айниқса, немис гётешунослари томонидан ҳар бир даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий-мағкуравий ҳолати билан боғлиқ ҳолда қадам-бақалам тадқиқ этилган, тасниф қилинган ва шарҳланган.

Таниқли гётешунос олима ва таржимон Янглиш Эгамова түғри таъкидлаганидек¹, Гёте, бир томондан, буюк даҳо, улкан сиймо сифатида идрок етмас чүққи бұлса, иккинчи томондан, ҳар қандай инсонни ҳаяжонга соладынан, қийнайдынан кечинмаларни, шу билан бирга, жағоний муаммоларнинг оғриқли нұқталарини күрсатыб, уларға жавоб изловчи, ҳаёт ҳикматларини ўргатувчи яқын дүст ва маслаҳаттүрдір. У гүё ҳар биримизге ҳамдард ва ҳамфирк булиб, бизга шундоққына рұбару ўтириб, ҳаёт мүшкүләтидан күтулиш йұлларини бирга излашни тақлиғ этади. Гёте қолдирған тафаккур хазинаси – асарларыда жамланған мұлохазалар остида яна қат-қат маңнолар яширинки, уларни дағғатан илғаб олиш мушкүл, бунинг учун ұкувчи-да ижодий ва фаол фикрлаши, изланиши талаб этилади. Гётени нафақат үқиши, балки үқиши ва англаб етиш учун унинг ҳикматлари замирига ихлос-ла боқмоғимиз, үзининг таъбири билан айттанда, «имкони йүқ нарса билан шундай мұносабатда булиш керакки, токи унинг имкони топилсін» деган қоидага амал қылмоғимиз лозим.

Асрий ҳикматлар аксарият назм ва наср либосига бур-

¹ Эгамова Я. Гёте даҳоси // Жағон алабиёти, 1999, №9.

канганидан мозий күпдан-күп далолатлар беради. Ҳикматлар таъсир құдратининг манбаи қалб қаъридан отилиб чиқувлі әхтиросли ва сөхрли Сүздир. Афлотундан қолган маълумотга күра, ҳикматлар ўзи илоҳият туғаси бўлган санолар шаклида дунёга келган. Жумладан, «Авесто» Тангри санолари шаклида яратилган бўлса, «Инжил» ҳикоятлари ҳамда «Куръон»даги ваъз ва фарзлар, кароматлар, шариат ва ахлоқ-одоб қоидалари ҳам саноларда битилган.

Жаҳон адабий мероси хазинасида инсонларда түгри тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришга, ижтимоий онгни юксалтиришга, пировард натижада эса буюк тадрижий янгиланишларга құдратли таъсир кўрсатган кўпдан-кўп ҳикматларни учратиш мумкин. «Ҳақиқатни англаб етиш калити»ни нафақат илоҳиётчилар, файласуфлар, ҳуқуқшунослар излаганлар. Бу ижодий қидиувни кўплар – ўтмишнинг буюк донишмандлари, ҳалқ достонлари, эртак ва ривоятларнинг номсиз муаллифлари ҳам тинимсиз олиб боргандар. Улар қаторида руҳият даҳолари бўлмиш Навоий ва Дантели, Эразм Роттердамский ва Шекспирни, Умар Хайём ва Шиллерни, Достоевский ва Толстойни ва яна бошқа кўплаб буюкларни эслаш мумкин. Жаҳон адабиётининг анашу намояндлари орасида Гёте ҳам алоҳида мавқега эга.

Иоганн Вольфганг Гёте – буюк немис шоири, ёзувчи, файласуфи, умуман, инсоният бадиий тафаккурининг энг ёрқин вакилларидан биридир. Евropa Уйғонишининг сўнгти йирик сиймоларидан ҳисобланган Гёте айни пайтда зукко ҳуқуқшунос, танқидчи, журналист, рассом, театршунос, табиатшунос олим, ҳам файласуф, ҳам давлат арбоби бўлган. Унинг адабий ва илмий мероси 143 жилдга жо бўлгандир. Бу улкан хазина ичida 1600 га яқин дилбар шеърлар, 3 йирик поэма – «Герман ва Доротея», «Рейнеке – Лис», «Ахиллес», 3 роман – «Ёш Вертернинг изтироблари», «Танланган ўхшашлик», 2 жилдлик «Вильгельм Мейстер», 54 пьеса, шу жумладан, «Фауст» трагедияси, «Шеърият ва ҳақиқат» туркумидаги 20 та китоб, «Фарбу Шарқ девони», санъатга оид кўплаб мақолалар, табиий фанлар – метеорология, минералогия, геология, остеология, ботаника, «ранглар ҳақидаги таълимот» муаммоларига бағишлиланган жилд-жилд китоблар, француз ва итальян тилидан немисчага қилинган таржималар, 50 жилдга жам-

ланган 15 мингдан ортиқ хатлар, 13 жилдли кундаликлар ва «Гёте билан сұхбатлар» бор.

Гёте адабий ва илмий меросидаги ҳар бир шеърий, настрий, драматик, илмий асар даҳо ижодкор тафаккури-нинг күплас қирраларини намоён этади. Гёте асарларида учининг умри давомидаги кузатишлари, қувончу изтироблари, ҳаяжону руҳий тушкунликлари, баҳт ва баҳтсизликлари, ёруғ олам ва инсоният тақдиди борасидаги ўй-мулоҳазалари, қомусий билими, чексиз-чегарасиз заковати ўз ифодасини топган.

Гёте бир умр кундалик тутган, туғишигандар, яқин мулоқотда бұлған кишилари, ёру дүстлари билан ёзишмалар олиб борган. Уларда ижодкорнинг ҳаёт ва табиат қонуниятлари ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари, бошидан кечирған жуда күп мұхим воқеа-ходисалар, у ёки бу асарининг дүнёга келиш тафсилотлари, ўзини ўраб турған мұхит ва инсонлар ҳақидаги мулоҳазалари ўз ифодасини топган.

Адіб 82 ёшида ҳам қалб жүшқынлиги, яшаш ва севиши истагини йүқтотмаган ҳолда ҳаёт мазмуни, гүзәллик ва мұхаббат ҳақида ажойиб шеърлар битганды.

Гётенинг ижодий ва илмий-амалий фаолияти ижтимоий-маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳалари учун ибратли намуна ҳисобланади. Фридрих Йозеф Шеллинг шарофати билан у фалсафа оламига кирганды. Фридрих Карл фон Савинье уни ҳуқуқшунослика етаклаган. Гётенинг табиий фанларни эгаллашида Александр фон Гумбольдтнинг, филологиядаги такомилида эса Вилгельм фон Гумбольдтнинг ҳиссалари катта бұлғанды. Ватандошлари ҳозир муаллифини хаёлиға ҳам келтириб ўтирай мұлоқотда фойдаланаверадиган немис тилининг гүзәл ибораларини Гёте меросисиз тасаввур этиб бұлмайды.

Улуғ сұз санъаткори қаламига мансуб асарлар аллақа-чон жаҳоннинг аксарият тилларига қайта-қайта таржима қилиниб, башарият хазинасига айланиб ултурған. Бу ижодий жараёндан, албаттаки, ўзбек адабиети ва маданияти ҳам четда турғани йўқ.

Хусусан, Гётенинг ўлмас асари «Фауст» Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Эркин Воҳидов томонидан рус тилидан, шунингдек, таржимон ва олим Пошо Али Усмон томонидан немисчадан ўзбек тилига ўгирилган¹. «Ёш Вер-

тернинг изтироблари" романи эса немис тилидан ўзбекчага гётешунос олима ва таржимон Янглиш Эгамова томонидан таржима қилиниб, китобхонларга тақдим этилган. Таниқли шоир Садриддин Салим Бухорий ҳам Гётенинг «Фарбу Шарқ девони»ни бевосита немис тилидан ўзбекчага ўгирган. Шунингдек, Мақсад Шайхзода, Шукрулло, Муҳаммад Али, Насриддин Муҳаммадиевлар Гётенинг айрим шеъларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилғанлар.

Буюклардан кимдир «Ҳикматли сўзлар – бу яхши таҳрир қилинган роман» деган экан. Шу маънода ҳали яна юзлаб йиллар китобхонларни ҳайратга солаверадиган Гёте қаламига мансуб лўнда, оқил ва доно фикрлар бизнинг ҳам эътиборимизни тортса, не ажаб. Зоро, 1885 йилда ёки Петербургда Гётенинг мӯъжазгина «Насрдаги ҳикматлар»и босилиб чиқсан эди. 1903 йилда эса «Гёте. Танланган ҳикматли сўзлар ва доно фикрлар» деб номланган китоб инглиз тилидан русчага таржима қилинган. «Ҳикматли сўзлар» (хорижий манбалар бўйича)² китобидан ҳам бундай сўзларнинг анчаси ўрин олган эса-да, уларнинг таржимасини ҳамма вақт ҳам муваффақиятли чиқсан деб бўлмайди. «Буюкларнинг улуг фикрлари»³ деб номланган уч жилдлик тўпламга Гётенинг йигирмадан ортиқ ҳикмати киритилган. Э.Бороховнинг ҳикматли сўзлар қомусида ижодкордан юздан ортиқ ҳикмат намуналари келтирилади⁴.

Т. С. Александрованинг «Гёtedan. Ҳикматли сўзлар. Иқтибослар»⁵ китобида мутафаккирнинг чукур маъноли иборалари анча тўлиқроқ берилган. Китобга Гётенинг бадиий асарларидан, илмий ишлари ва публицистикасидан саралаб олинган тўрт юзга яқин ҳикматли сўзлар, адабий иқтибослар жамланган. Энг асосийси, немисча сўзларнинг русча муқобиллари берилган, баъзи ўринларда уларнинг келиб чиқиши ва қўлланилиши изоҳланган.

¹ Гёте, Йоҳан Волфганг. Фауст: Трагедия. Биринчи қисм // Олмончадан Пошо Али Усмон таржимаси – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.

² Афоризмы (по иностранным источникам) / Перераб. и доп. 3-е изд. М., 1985.

³ Великие мысли великих людей. –М., 1999.

⁴ Борохов Э. Энциклопедия афоризмов: В мире мудрых мыслей. –М., 2004.

⁵ Александрова Т. С. Из Гёте. Крылатые слова. Цитаты. –М., 2000.

Гётенинг ҳикматли сўзлари илк бор ўзбек тилида «Ижтимоий фикр. Инсон ҳукуқлари» журналининг бир неча сонларида чоп этилди¹.

Таниқли гётешунос олим Я. Эгамова ҳамда таржимони Мирзаали Акбаров даврий матбуотда Гётенинг тафаккур дафтаридан намуналарни алоҳида эълон қилдилар².

2008 йили «Шарқ» НМАКда Мирзаали Акбаров таржимасида Гётенинг ўлимидан сўнг – 1833 йилда чоп этилган «Maximen und Reflecionen» («Хаёт қоидалари ва хуросалари») китоби «Ҳикматлар хазинаси» номида нашр қилинди³.

Албатта, ҳар қандай таржима, айниқса, мумтоз асарлар таржимаси аслият ўрнига ҳеч ҳам дাъво қила олмайди. Зеро, устоз Эркин Воҳидов топиб айтганидек:

*Ой ўртанаар, кўзларида ёш,
Багри доғу юраги қийма.
Дер: эй фалак, мен эдим Куёш,
Нега мени қилдинг таржима?*

Гёте асарлари багридаги ҳикматларни бир муқова остига жамлаб, она тилимизда Сизга ҳавола қилишга жазм этар эканмиз, улар таржимасидаги айрим қусур ва камчиликлар эмас, балки даҳо ижодкорнинг хос фикр-ўйлари, ўлмас ҳикматлари мазмун-моҳияти эътиборингизни қўпроқ торгади, дея умид қиласиз. Чунки ҳикматли, доно фикрлар инсон ақлини чархлаши, унинг тафаккурини янада теранлаштириши исбот топган ҳақиқатdir. Бундай заковат хазинасидан доимо баҳраманд бўлиб туриш ҳётда изланишни ўзига шиор қилган замондошларимиз учун туганмас илҳом манбаи бўлиши ҳам шубҳасиз.

Професор А. Х. Саидов

¹ Қаранг: Мангуликка даҳлдор: Гётенинг ҳикматли сўзлари – заковат хазинаси//Ижтимоий фикр. Инсон ҳукуқлари. 2007. №4; 2008. №1–4.

² Қаранг: Гёте ҳикматларидан. Гёте ҳаётидан ҳангомалар// Сирдарё ҳақиқати, 1995 йил 14 февраль; Гёте тафаккури дафтаридан// Сирдарё ҳақиқати, 1999 йил 28 август; Йоганн Вольфганг Гёте. Табиат, инсон ва ижод ҳақида/Немис тилидан Мирзали Акбаров таржимаси//Жаҳон адабиёти, 1999, №7.

³ Қаранг: Йоҳан Вольфганг Гёте. Ҳикматлар хазинаси. Олмончадан М. Акбаров таржимаси. –Т.: «Шарқ» НМАК, 2008. Яна қаранг: А. Сайдов. Буюк ишда тадрижийлик бор// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2010 йил 14 май.

Гёте ҳикматлари

Энг даҳшатли нарса дид бўлмагани ҳолда тасаввурнинг мавжуд эканлигидир.



Ҳар ким нимани тушунса, шуни эшигади.



Модомики ақлли жавобни хоҳлар экансан — ақлли савол бер.



Мухолифинг билан баҳсда ўзингнинг заифлигингни сезсанг, баҳслашишни тұхтат, зеро бундай ҳолда даъвола-ринг тобора аҳмоқона бўлиб бораверади.



Кимки изланар экан, адашишга маҳкум.



Инсон эришиши мумкин бўлган олий нуқта бу ҳайратдир.



Инсонга хато қилиш хос, шу туфайли ҳам унинг дўстлари бор.



Ҳақиқатни доимо такрорлаб туриш зарур, чунки бизга ёлғонни ҳам доимо эслатиб туришади.



Ҳалоллик улуғликка жуда яқин туради.



Оломонга ҳам аёллардек муносабатда бўлиш керак: унга ҳамиша ўзи эшиишни хоҳлаган гапни айтмоқ лозим.

Яқынларимиз билан улар аслида лойиқ бұлған даражада мұомала қилиб, уларга фақат заар келтирамиз. Ҳолбеки, улар билан аслидагидан яхшироқ кимсалардек мұомала қылсак, биз уларни яхшироқ бұлишга үндаган бұлур әдик.

Агар кимдир бирор янгиликка әътиборни қаратса, одамлар унга бор күчи билан қаршилик күрсатишиади. Үзларини бамисоли бу янгиликни әшитмаган ва тушунмагандек тутишади, үзгачароқ нұқтаи назар хусусида нафрат билан гапиришади, шу сабабли янги ҳақиқат үзига йўл очиши учун узок вақт кутиш керак бўлади.

Кимники суйишса, үндан ўрганишиади.

Ўзингдан қувониши хоҳлар экансан, бор дунёning қадрига ет.

Ўзини севимли деб ҳис этиш кишига ўз кучидан кўра каттароқ қудрат баҳш этади.

Агар ҳамма нарсан икки марта қилиш имконияти бўлганида эди, ҳаммаси рисоладагидек бўлурди.

Аёл билан эҳтиёткорона мұомалада бўлинг. У қийшиқ қовургадан яралган. Тангри уни шу ҳолда бунёд этди: агар уни тўғриламоқчи бўлсанг, синиб кетади, ўз ҳолича қолдирсанг, янада қийшаяди.

Агар тонг бизга янги қувончлар ҳадя этмаса, агар оқшом бизни умидлантиrmаса, кийиниш ва ечинишга на ҳожат.



Ҳар қандай оқилюна фикр кимнингдир миясига келган, ана шундай фикрлар келиши учун мудом ҳаракат қилиш зарур.



Инсон ботинида ижодий құдрат мавжуд: у кашф этилиши лозим бўлган нарсани топишга қодир. Бу құдратни у ёки бу тарзда намойиш этмагунимизча, у бизга тинчлик бермайди.



Диннинг саъй-ҳаракатлари муқаррар юз берадиган нарса билан бизни муроса қилдиришга йўналтирилган, ҳар бир дин бу ниятга ўзига хос йўл билан интилади.



Мумтозлик – бу соғломлик, романтиклик – беморлиқдир.



Фояни фойдалы деб эътироф этиш мумкин, лекин ундан фойдаланишни улдалай олмаслик ҳам мумкин.



Ҳаммасидан ҳам нимани кўриш қийин? Кўз олдингда турган, сенинг кўмагингга, иштирокингга, яхши сўзингга муҳтож нарсани пайқаш қийин.



Агар осмондаги камалак узоқроқ туриб қолса, унга қарамай қўйишади.



Фазаб учун моҳиятнинг аҳамияти йўқ, у фақат сабабни излайди.



Ҳаёт – гарчи бир лаҳзалик бўлса ҳам – бурч.



Ёшлиқ – тез ўтиб кетадиган нуқсон.

Охир-оқибатда ўз қилмишларинг натижаси билан ҳисоблашишга мажбур бўласан.

Ҳақиқатга фақат самара кафил бўла олади.

Билишинг ўзи кифоя эмас, уни амалда қўллай билишинг ҳам керак.

Дунёни рақамлар бошқармайди.

Инсон хатолардан сабоқ олиб, янги куч билан ҳақиқатга мурожаат қиласди.

Икки томонлама ҳисоб-китоб юритиш – инсон тафаккурининг энг ажойиб ихтиrolаридан бири.

Ўғрилар орасида энг заарлиси аҳмоқлардир. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам вақтимизни, ҳам кайфиятимизни ўғрилашади.

Ижодкорни тушуниш учун у яратган «мамлакат» қонунларини ўрганиш керак.

Кимники тушунсанг, ўшангга tengсан.

Шоирни тушуниш учун унинг юртига бориш зарур.

Инсоният халқлардан нуфузлироқдир.

Ҳақиқатдан кўра хатони топиш анча осон!



Мураккаб вазиятларда равшанроқ фикрлайдиган инсон ҳаракат қилиши ва ёрдам бермоғи керак бўлади.



Ирода бор ерда йўл ҳам бор.



Билимнинг ўзи етарли эмас: уни қўлламоқ зурур; ҳатто бу ҳам етарли эмас: ҳаракат қилиш лозим.



Мазмунсиз нутққа сўздан либос кийгизиш ҳамиша осон.



Сўз – шоирнинг қуроли.



Сўз секин даволайди, тез жароҳатлайди.



Кимки бошқа тилларни билмас экан, она тили ҳақида ҳам равшан тасаввурга эга бўлолмайди.



Ҳақиқий эркинлик фақат қонунларда бўлиши мумкин.



Ўз бурчингни бажаришга ҳаракат қил, ана шунда қалбинг тубида нима борлигини чуқур англайсан.



Кимки ҳаёт ва эркинлик учун ҳар куни курашса, фақат ўша ҳаёт ва эркинликка муносибdir.



Бошибошдоқлиқдан кўра адолатсизлик ҳам маъқул.



Меросни ҳаётга татбиқ эта оладиган авлодгина меросхўр бўлишга лойиқ.

Барча қонунларни ўрганишга азм қилғанларнинг
қонунларни бузишга вақти қолмайди.

Кўзга ташланадигани – тенгликтининг фақат бир қисми,
холос.

Жазолашга қодир бўлмаган ҳакам, охир-оқибатда, жи-
ноятга шерик бўлади.

Қонун қудратли, бироқ эҳтиёж қутқуси ундан-да куч-
лироқдир.

Туйғулар алдамайди, мулоҳаза алдайди.

Билишга қараганда ўйлаш қизиқроқ, хаёлга чўмиш эса
ундан-да мароқли.

Хукмронлик қилиш осон, бошқариш қийин.

Ватанпарварлик санъати ҳам, ватанпарварлик фани ҳам
булиши мумкин эмас.

Барча қонунлар кексалар ва эркаклар томонидан яра-
тилган. Ёшлар ва аёллар – истиснони, кексалар – қоидан-
ни хоҳлайди.

Агар ўлимнинг ўзини бекор қилиш мумкин бўлганда
эди, биз бунга қарши бўлмасдик; ўлим жазосини бекор
қилиш эса қийин бўлади. Агар бу иш рўй берганда ҳам,
вақти-вақти билан уни тиклашимизга тўгри келарди.

Ожиз одамларда күпинча инқилобий эътиқод бўлади: улар агар бизни бошқаришмаганда яхши бўларди, деб ўйлайдилар, аслида улар на бошқаларни, на ўзларини бошқаришга қодир эмасликларини англаб етмайдилар.

Усталик билан тасвирилсанса-да, бемаънилик аввал тажжуб, кейин нафрат уйғотади.

Ҳар қандай тутуруқсиз фаолият пировард натижада синишга олиб келади.

Ҳар қандай ташқи одоб ўз ички асосига эга булади.

Кўпчиликдан ёқимсиз нарса йўқ: чунки у олға борадиган саноқлигина кучли етакчилардан, муросакор айёрлардан, пусиб юрадиган ожизлардан ҳамда ўзи нимани хоҳлашини ҳам билмасдан бошқаларга эргашадиган олондан иборат бўлади.

Хукуқ исён билан қарор топмайди.

Дафна гулчамбари шон-шуҳратдан кўра кўпроқ азобуқубат рамзидир.

Кимнингки бойлиги бўлса, ёнида қуроли бўлиши зарур.

Вақт қилинган иш ва айтилган гапларга ҳар юз йилда бошқача кўз билан қараб кўришни истайдиган ниҳоятда инжик мустабиддир.

Инсоннинг табиати шундайки, ишдан тезроқ фойда кўриш ташвиши бўлмаса, осонлик билан пинакка кетади.

Даҳолик – бу руҳнинг нима фойдали эканини дарҳол англашга қодир мумтоз иқтидоридир.

Фараз – устоз шогирдларини аллалайдиган бешикдир.

Ҳар ким нима учун туғилган бўлса, ўша юмуш билан шугулланиши энг оқилона ечимдир.

Айниқса, руҳан ноқис одамлар ўзлари ҳақида аксар муболагали фикрда бўладилар.

Уқувсизлар ишни баҳоли қудрат бир ёқлиқ қилғанларидан сўнг, одатда, ўзларини оқлаш учун иш тугамайди, лейишиади. Дарҳақиқат, бундай иш ҳеч қачон тугамайди, чунки у аввал-бошдан нотўғри бошланган.

Бекаму кўст яшамоқ учун тўққизта шарт талаб этилади: фаолиятдан завқланиш учун етарлича соғлиқ бўлиши керак; эҳтиёжларни қондиришга етарлича бойлик бўлиши зарур; қийинчиликларга қарши қурашиб ва уларни сипишиз учун куч-кувват бўлиши лозим; гуноҳларни тан билиш ва тавба-тазарру қилиш учун ройиш зарур; арзирли бир ишни поёнига етказишиб мақсадида оғир меҳнат қилиш учун сабр-тоқат керак; ўз яқинларингдаги эзгуликни кўриш учун меҳр ва ихлос зарур; ўзингни бошқаларга ёрдам бернига мажбур қилиш учун муҳаббат талаб этилади; Худонинг биру борлигига ишонч ҳосил қилиш учун эътиқод зарур; келажак олдидаги қўрқувни даф қилиш учун эса умид деганлари гоятда муҳим.

Қатъият билан, ундан-да муҳими, улкан муҳаббат билан, энг асосийси эса, ишга диққат-эътибор ва холис адодлат билан кўп нарсага эришса бўлади.

Фақат ўз кучини яхши биладиган, ундан оқилона ва меңෝрида фойдаланиб, ақлни пешлаб фаолият күрсатадиган кишигина күп нарсага эришади.

Узоқ ўйлаган ҳамиша ҳам тұғри ечимни топавермайды.

Вафот этган ота ўрнини фарзандларига билинтиrmайдиган аәл әнг ажайиб аёлдир.

Кимки күп нарсаны талаб қылса өз мұраккабликдан ҳузур қылса, у бошқалардан күра күпроқ адашишга мояйлдир.

Ҳаётда соғлиқ өз саховатта құшимча билимдан қадрлироқ нарса йүқ; уни өса осонлик билан әгаллаш өз арзонгинаға топиш мүмкін; зеро бунда бор-йүқ талаб қилинадиган нарса – осойишталық, жамики харажат өса – биз сарфламасак ҳам құлда турмайдиган вақтдир.

Агар биз ҳамма нарсаны аниқ билишга интилмаганимизда әди, күп нарсаларни яхшироқ англаған бўлур әдик. Бизнинг нигоҳимизда ҳамма буюм қирқ беш дараҷа бурчак остидагина намоён бўлади.

Қўриш – әнг ноёб ташқи сезги. Қолган тўрт сезгимиз бизни фақат аъзоларимизнинг тўқиниши орқалигина нарсадан хабардор қиласди: биз эшитамиз, ҳис қиласми, ҳидни туямиз, пайпаслаб биламиз; қўриш өса булардан бир бош юқори туради, у материянинг жами жилваларига дош беради ва шу хусусияти билан маънавий қобилиятларга яқин туради.

Санъат намуналари, дарҳақиқат, санъат ҳақида ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга бўлган қобилият эгаларигагина хуш

әқиши керак. Агар бунинг акси бўлса, санъат сохталик нулидан кетиб қолади.



Фойдали хатодан заарли ҳақиқатни афзал кўраман: ҳақиқат, ҳатто, ўзи келтириб чиқарган оғриқни ҳам даволайди.



Одамлар доимо гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга оғади, шу сабабли уларнинг бир қисми азоб-уқубат чекади, бошқаси ҳузур-ҳаловатда яшайди ва уларнинг бирини худбиник, бошқасини бўлса ҳасад — шу икки ёвуз иблис қийнайди.



Агар ҳеч нима билан чекланмаган бўлса, ҳар қандай фаолият турида ҳам, охир-оқибат, касодга учраймиз.



Сув бўлган ҳамма жойда ҳам қурбақа бўлавермайди; бироқ қурбақа бор жойда сув бўлиши мумкин.



Фикр ҳамма вақт оммага тарқалади, бироқ унинг энг тушунарлиси, яъни ақл учун фавқулодда энг қулайи ва сенгили устунликка эга бўлади. Бинобарин, кимки маърифатнинг юксак чўққисига чиққан бўлса, кўпчилик унга қарши бўлишини олдиндан ҳисобга олиши лозим.



Гарчи жаҳон, умуман олганда, олға томон ҳаракат қилаётган бўлса ҳам, ёшлар аксар ишни ҳар гал янгидан бошлашларига тўғри келади.



Аксарият доно фикрлар турли одамларнинг миясига минг марталаб келган; бироқ бу фикрлар ҳақиқатан ҳам ўзимизники бўлиши, шахсий онгимизда илдиз отиши учун биз уларни вижданан ва самимий тарзда қайта бошдан фикр тарозисига солиб чиқишимиз зарур.

Ноумид бўлгандан кўра, умид билан яшаш ҳамиша яхши.

Умид ҳамма вақт шубҳа-гумондан яхшироқ. Шунинг учун биз доимо умид қилишимиз керак.

Зўравонликнинг икки маъқул тури бор: **хукуқ** ва одоб.

Барча самимий одамлар ҳам талабчан эмас.

Камчиликлар қўпроқ севгига ёт одамлар қўзига ташланади; шу боисдан нуқсонларни куриш учун севги чўғини пасайтириш зарур, бироқ бу чўғни камчиликларни билиб олиш учун зарур даражагача пасайтиришнинг ўзи ётади.

Мен ашаддий ёмон қўрадиган нарсаларим борлигини ҳис этганимдан қувониб тураман, чунки ақл учун ҳамма нарса яхшилигини эътироф этишдан ортиқ ҳалокатли ҳолат йўқ; бу ҳар қандай чинакам туйғуни маҳв этиш билан барабардир.

Ҳасадгўй бизнинг куч-қудратимизни тасдиқлайди, нафрат эса бизни огоҳликка ўргатади.

Агар биз ўзимизни ўзганинг ўрнига қўйиб кўрсак, бошқаларга нисбатан гашлик ва нафратимиз йўқолган бўларди; агар биз бошқаларни ўз ўрнимизга қўйиб кўрсак, биздаги манманлик ва фурур ҳам анча пасайган бўлур эди.

Инсон хавф-хатарнинг фақат менга дахли йўқ деб, ўт билан ўйнашишга мойилдир.

Покизалик болаларда ўз-ўзини англаш қувончини уйтотади.

Кимки аниқ тажрибага қаноат қылса ва унга монанд иш күрса, у ҳақиқатга етарлича эришган бұлади.

Янги даврнинг эңг бетакрор ёзувчилари бирор янги нарса яратғанلىклари учун әмас, балки ҳаммага маълум тапни уларгача ҳеч қачон айтилмагандек айтишга қодир бўлғанликлари учун бетакрордирлар.

Инсон қули билан яратилаётган нарсаларда, худди табиат бунёдкорлигидек, эңг аввало, мақсад диққатга сазовордир.

Маълумки, тош қанчалик баланд отилса, унинг тушиш тезлиги шунча шиддатли бўлади. Афтидан, ҳаётда ҳам айнан шу ҳол юз беради.

Текис жойда йиқилиш – кулфат әмас,
Бироқ чўққидан сирғаниб кетиш – ҳалокат.

Миллионлаб ўқувчига эга бўлишни умид қилмаган сувчи бирон сатр ҳам ёзмаслиги лозим.

Инсонга хос бўлган хислатлардан қутулишга қанчалик ҳаракат қилинмасин, улар сақланиб қолаверади.

Ёзиш – бу байрамона юмуш.

Жасорат – бу шон-шуҳратдан бошқа ҳамма нарса демакдир.



Фақат одамлар орасида ўзликни англаб олиш мумкин. Фақат ҳаёт аслида ким эканимизни билишга ўргатади.



Инсон севмасдан туриб бирор нарсани тушуниб ета олмайди.



Шошқалоқлик – барча адашишларнинг онаси.



Агар сен инсоният учун бирор эзгу иш қилган бўлсанг, буни иккинчи бор қилмаслигининг ҳаракатини қилишга ҳам у қодирдир.



Пулни йўқотиш – катта йўқотиш эмас, яна пул топшига шошилсанг бўлади. Ор-номусни йўқотиш – катта йўқотиш, лекин шон-шуҳрат қозонсанг, одамлар фикри яна ўзгаради. Мардликни йўқотиш эса – ҳаммасини йўқотиш деганики, бундан кўра дунёга келмаганинг ҳам яхшироқ бўлур эди.



Инсоният ҳаёти эҳтиёжлар билан белгиланади. Агар эҳтиёж қондирилмаса, инсоният бетоқат бўлади; агар қониқиши ҳосил қилса, лоқайд бўлиб қолади.



Ҳақиқий шоир ҳаёт тўғрисида туғма билимга эга, шунинг учун ҳаётни тасвир этишда унга ортиқча тажриба ҳам, бошқа нарса ҳам шарт эмас.



Бўса – икки қалбнинг бир-бири ила лаблар учи билан кўришишидир.



Фикрлаш, идрок этиш, ҳис қилиш, ишониш ҳамда инсоннинг коинотни «пайпаслайдиган» бошқа хатти-ҳара-

катлари ҳамма вақт ўзаро узвий бўлиши зарур; шундагина биз зиммамизга юкланган бурчни адо эта оламиз.



Ҳеч қачон қабул қилинмайдиган таклифни ҳеч қачон айтмаган маъқул.



Одамлардан сен билан уйғуналашишини талаб этиш – кечириб бўлмас аҳмоқликдир.



Бизга зид табиатли кимсалар билан мулоқот қилишда икчи-хушни йиғиб олиш талаб этилади. Бу эса бизни ривожланиш ва тараққий этишга ундейди. Натижада, келгусида ҳар қандай одам билан ўзаро туташ нуқталар топиш имконига эга бўламиз.



Бизнинг руҳимиз таг-тубсиздир: у мангаликдан мангаликкача ижодини давом эттираверади. Бу жиҳатдан руҳимизни қўёшга таққосласа бўлади: қўёш ҳам кундузи ҳаммаси ғориби, тунда уфқ орқасига беркинса ҳам, аслида ҳеч екка гойиб бўлмасдан нурини сочишда давом этаверади.



Ким артистга сабоқ бермоқчи бўлса, чексиз сабр-қаноатга эга бўлиши керак.



Одамлар ўzlари учун фойдали кишиларнигина эътироф этадилар.



Кимки омманинг инжиқликларига тоқат қилса, унга салбий муносабатда бўлмаса, бизнинг тингловчиларимиз доираси қанча кенг бўлса, тасаввур шунча таъсирчан бўлади.



Инсон қанча теран ва жиддий фикрласа, кенг омма орасида унга шунча қийин бўлади.

Доимий мухолифлик, ҳамма нарсани қоралаш одати унинг ажойиб асарларига улкан зарар келтириди.

Ҳар қандай инқилобни кўрарга кўзим йўқ, чунки у яратишдан кўра кўпроқ йўқ қиласди.

Фақат иккита ҳақиқий дин бор: бири биздаги ва атрофимиздаги ҳеч бир шаклга эга бўлмаган муқаддас нарсаларни эътироф этади, иккинчиси унинг гўзал шаклга ўранганигини муқаддас деб билади. Улар оралиғидаги қолган барчаси бутпастлиқдан бошқа нарса эмас.

Нимага қодир бўлмагин, нимани орзу қилмагин, руҳингни туширмай уларни амалга оширишга кириш. Жасурлик инсонга куч-қудрат ва ҳатто файритабиий ҳукмронлик ато этади.

Инсон куч-қудратининг бирдамлиқда ривожланишини адолатли равишда мақбул деб ҳисоблашади, лекин инсон бундай ривожланиш учун туғилмаган. Ҳар бир киши алоҳида олға интилиши, бунда фақат барча инсонлар саъӣ-ҳаракатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши етарлидир.

Бўлажак ҳукмрон ёки давлат арбоби ҳар тарафлама таълим олиши шарт. Зеро, серқирралик бу касбларнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Роман – бу муаллиф дунёни билганича қайта талқин этишга ўзини ҳақли санайдиган субъектив эпопеядир.

Ўзингни аслидагидан улуғроқ ҳисоблаш ҳам ва аксинча – аслидагидан пастроқ баҳолаш ҳам – улкан хатодир.

Инсон жаңон мұаммоларини ҳал этиш учун түгілган
омас, у бу мұаммоларни англаши, уларға қандай ёнда-
шиш керактынини тушуниши ва келажақда үзи эришган
ана шу чегараларда қола билмоғи лозим.

Биз эңг юксак ниятларимизни улар инсониятта қан-
чалик фойда көлтиришини ҳисобға олған ҳолда ифода
этишимиз керак. Қолған барча нарсалар онгимизда сақ-
ланып, худди булат орасидаги қүйнинг майин шуъласи
мисол йўлимизни ёритиб туриши лозим.

Үзимизни хурмат қилиш — маънавиятимиз манбаи;
бизнинг хулқ-авторимиз эса бошқаларни қадрлай олиш
қобилиятимиз билан белгиланади.

Энг оғири — тасодифга бардош бериш ва бу тасодиф
сени юксак мақсадлардан чалғитишига йўл қўймасликдир.

Ҳар ким ўзини чеклай олса ва ўзлигини топса, эркин-
ликни осонликча қўлга киритиши мумкин.

Табиатнинг буюклиги унинг оддийлигидадир, бу бу-
юкликнинг муттасил тарзда кичик унсурларда такрорла-
нишидадир.

Ҳар бир киши ўзича фикрлаши керак, зоро, ўз йўлингда
борар экансан, ҳаётда мададкоринг бўлмиш ҳақиқатни ёки
ҳақиқатга ўхшаш бирор нарсани топасан. Лекин инсон
иродасига эрк бермаслиги ҳамда ўзини текшириб бориши
лозим. Фақат ҳис-туйғу билан яшаб бўлмайди.

Инсон ўз кучидан фойдаланмагунча, нимага қодирли-
гини билмайди.

❀

Ортиқча қайғуриш билан фақат дардни оғирлаштирасан.

❀

Санъатда энг асосий роль – ворислиkdir.

❀

Сүз одамлар учун фақат ниманидир ўрнини босувчи омил, холос. Инсоннинг фикр ва билимлари уларни из-ҳор этиш иқтидоридан кўра кенгроқдир.

❀

Хабардорлик – табиий интилишdir; олинган хабарни тўғри идрок этиш эса билимдонлик қобилиятиdir.

❀

Ҳар бир шахс жаҳон маданиятининг барча босқичларини босиб ўтиши шарт.

❀

Шеърият – инсоният мулкидир: у ҳамма ерда, ҳамма замонларда минг-минглаб инсонларда намоён бўлади.

❀

Ўлим – тўсатдан воқеликка айланадиган имконсизлик.

❀

Дунё ҳозиргидек тузилмаганда эди, мавжуд бўлмасди.

❀

Икки киши баҳслашар экан, уларнинг кўпроқ айборд бўлганини ожиз деб ҳисоблайдилар.

❀

Бизнинг эҳтиросларимиз қақнусга ұхшайди. Бир эҳтирос ёниб кул бўлганда, кулдан янгиси туғилади.

❀

Ҳар бир буюм, агар шоир у билан шоирона муомалада бўлса, шоирона кўриниш олиши мумкин.

❖

Ирим ҳар қандай бидъат сингари тезда ўз кучини йўқотади, у бизнинг чиранчоқлигимизни авж олдириш ўрнига, йўлига кўндаланг булади ва ушбу дилгир, нозик туйтуга таҳдид солади; шунда биз дафъатан иримдан воз кечишимиш қийин эмаслигини пайқаймиз ва ундан шу қадар осон воз кечамизки, ҳатто ўзимиз зўр бериб қочаётган нарсадан кутган лаззатимиз ҳам йўлда қолиб кетади.

❖

Бидъат инсонга хос нарса, агар кимки ундан мутлақо халос бўлишни истаса, у гадой топмас кўчалар ва пучмоқларга бекиниб олади, сўнгра эса, ўзининг хавфдан халос бўлганини ҳис этиб, дарҳол у ердан чиқиб келади.

❖

Муҳаббат – идеал тушунча, эр-хотинлик эса реал тушунча: реал тушунчанинг идеал тушунча билан аралашиб кетиши ҳеч қаҷон жазосиз қолмайди.

❖

Барча буюк нарсаларни инсон яратади; муҳими – у бу буюкликни топа олишидир.

❖

Бизни камчиликлардан халос қиласиган ва нуқсонларимизни тузатадиган ҳар бир нарса – улкан баҳт.

❖

Эҳтирос ва ҳиссиётлар умумбашарий бўлиши мумкин, лескин тафаккур доимо алоҳида шахсларга ато этилади.

❖

Халқ ҳам ўз қаҳрамонларини яратади. Бу қаҳрамонлар достонлардаги ярим тангрилардек халқни ҳимоя этади ва шон-шуҳратга буркайди.

❖

Бизнинг баҳтимиз ўзимизга ёқаётган нарсани қилаётганимизда эмас, балки биз шуғулланаётган юмуш ўзимизга ёқаётганидадир.

Оломон – күр, сафсатабоз – чаққон, омма оқим бошлаган томонга кетади.

Тақдирига буюклик битилган инсонлар үз замондошлары даврида етакчи бўлсалар-да, уларнинг таъсири анча узоқ давом этади. Бироқ аксар буюклар янгиларга ўрин бўшатиб беради ва навқирон насллар томонидан унутилади.

Ҳеч бир ишга ортиқча тантана билан киришмаслик лозим; фақат иш муваффакиятли ниҳоясига етганлигини байрам қилиш мумкин.

Қарама-қарши фикрлар ўртасида ҳақиқат ётади, дейдилар. Бўлмаган гап! Улар ўртасида фақат муаммо ётади.

Инсоният янада ҳушёрроқ бўлганида, мислсизроқ ютуқларга эришган бўлур эди.

Энг асосийси – қогозга битилгани. Одамлар улардан исстаганларича ва имкониятларига қараб фойдаланаверсинлар.

Эътиқод ҳар қандай тафаккурнинг ибтидоси эмас, балки гултожидир.

Инсонга ҳаёти беҳуда ўтмайдиган мақсад беринг, шунда у ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетади.

Муҳими – ўзингни ушлай билишдир.

Одамлар ўзини ҳам, бошқаларни ҳам адаштиради, чунки воситани мақсад деб қабул қиласидилар, аслида эса мақсадсиз фаолият бесамар, баъзан ҳатто ҳалокатлидир.

Инсон ишончи ва маънавий мардлиги шарофати билан энг оғир шароитларда ҳам зафар қуча олади. Лекин унинг қалбига тирноқча иккиланиш кириб қолса, инсонни маҳв этиши мумкин.

Мен ҳамиша қонунларга қатъий амал этишга даъват этаман; айниқса кўнгилчанлик ва ортиқча эркинлик кўп нарсани бой беришга олиб келаётган ҳозирги давримизда.

Кўпинча рақамлар дунёни бошқаради дейишади. Унчалик эмас-у, рақамлар дунё қандай бошқарилаётганини кўрсатишига шубҳа йўқ.

Инсоннинг замонавий ютуқларни баҳолашда ўтмишдаги ютуқларни ҳам ҳисобга олиши тарихийлик туйфуси деб аталади.

Инсон муқаррар равишда турли босқичларни босиб ўтади. Бу ҳар бир босқичнинг эса ўз афзаллик ва нуқсонлари мавжуд.

Замон ўз ҳукуқларини талаб қиласди.

Илоҳий куч ҳаммага ато этилган, ҳамма жойда абадий муҳаббат барқарор.

Ёмон ишни, энг оғир гуноҳдек, кўргани қўзим йўқ. Айниқса, давлат ишларидаги ёмон фаолият катта гуноҳдир. Чунки бундан минглаб ва миллионлаб одамлар азоб тортади.

Хоҳишдан тийилган қалбда эврилиш юз беради. У башариятга ихлос кўяди, яқинларига муҳаббат билан яшайди.

Қаттиқұллик билан анча нарсага, муҳаббат билан күп нарсага эришса бўлади. Лекин ишнинг кўзини билиш ва адолат ёрдамида ҳамма нарсага эришиш мумкин.

Инсон унга шахсан фойдали бўлган ёки зарар келтирадиган жиловда ушлаб турилмас экан, бўшангликка берилиши табийидир.

Баҳслашаётган кимсага, у ўз фикрини такрорлаётганда ва рақибининг далилларини тингламаётганда унга эътиroz билдиришаётгандек туюлади.

Қобилиятли ва қўлидан кўп нарса келадиган одамларда тез-тез учраб турадиган хато – улар ўзларини барча нарсага қодир деб ҳисоблашлариридир.

Черковнинг бутун тарихи адашиш ва зўравонлик қоришмасидан иборат.

Санъатда ва шеъриятда шахс – бу ҳамма нарса демакдир.

Агар барча буюкликлар рисоладагидек идрок этилса, улар маърифатга етаклайди.

Агар кимки бир нарсани англай олса, демак, у бошқа кўп нарсаларни ҳам англаб олишга қодир.

Адабий асарлар оммага кучли таъсир қилганда мен ҳамма вақт бу бежиз эмас, деб ўйлайман.

Ҳар қандай характерда, у бошқа характерлардан қанчалик фарқ қилмасин, ҳар қандай яратилишда – тошдан

инсонгача қандайдир умумийлик бор, чунки барча нарса тақрорланади, зеро дунёда яккаю ягона ҳеч нарса йўқ.



Кимки саёҳатга отланар экан, у нимани кўрмоқчи эканини ва нима унга тааллукли эканлигини билиши зарур.



Ҳар қандай кайфият, боз устига, ҳар қандай лаҳза бешад қимматлидир, чунки у абадият унсуридир.



Инсониятга ўз-ўзини чеклаш ато этилмаган. Дунё ҳукмдорлари ҳокимиятни суистеъмол қилишдан ўзларини тия олмайдилар, омма эса яхши кунлар аста-секин келишини кутиш, борига тоқат қилишни билмайди.



Агар инсон баркамол бўлганида эди, жорий этилган қонунлар амал қиласади.



Ҳар бир кимса тугма қобилиятига мос, қўлидан келган ҳунари билан шуғулланса ва бошқаларнинг ишига ҳалақит бермаса, жуда оқилона иш бўлур эди. Этикдўз пойабзал тиксин, деҳқон омоч тортсин, ҳукмдор халқ манфаатини кўзлаб бошқарсин.



Дарахтда айнан бир хилдаги иккита баргни топиб бўлмайди дейишади, шунга ўхшаш, минглаб кишилар орасида фикрлаш тарзи айнан бир хил бўлган икки одами топиш ҳам душвор.



Ёшлиқдаги хатоларни кексаликда судраб юрмаслик лозим; кексаликнинг ҳам ўз нуқсонлари бор.



Ҳукмдорга жилла қурса энг арзимас ишда ён босишни ҳам маслаҳат бериб бўлмайди.

Истеъдодли одам бошқалар қиласынан барча нарсаларни қила оламан деб үйлайды, бироқ, афсуски, аслида бундай әмас, вақти келиб у бу қарашидан афсусланади.

Хаёт қисқа, шунинг учун бир-биримизга яхшилик қилишга интилмоғимиз лозим.

Қандайдир ғайритабиій ҳолатни баъзан она тилимизда ифодалаш ҳам қийин бўлади.

Маҳмаданалик туфайли севги бой берилади.

Шеърнинг ҳақиқий кучи вазиятга, мазмунга жой бўлади.

Дунё қандай бўлса, шундайлигича қолади, воқеалар тақрорланади, бир халқ бошқа халқлар сингари яшайди, севади ва ҳис этади: шундай экан, нима учун бир шоир бошқа шоир сингари ёзиши мумкин эмас?

Инсон ўзининг барча хатолари ва адашишларига қарамай, агар уни башоратомуз қўл олға етакласа, исталган мақсадига эришади.

Доимий норозилик инкорни туғдиради, инкор эса ҳеч нарсага олиб келмайди.

Мамлакатда ҳеч ким хотиржам яшаш ва ҳаётдан қувонишини хоҳламайди — барча бошқаришни хоҳлайди, санъатда эса яратилгандардан завқ олишни әмас, балки муттасил янги асар яратишни исташади.

Күпларга ўз номукаммаллигини билиш насиб қилмаганидек, умуман мукаммалликни англаш ҳам насиб қилмайди ва бу кимсалар ўз ҳаётларининг охиригача қандайдир чала санъат асари яратиб ўтадилар.

Шоир кўп томонлама билимга интилиши лозим, чунки шоирнинг материали – бутун олам ва бу оламни сўзга айлантириш учун уни идрок этиш зарур.

Юксак санъат узлатга чекиниш ва ўз ҳаддини билишдан иборатдир.

Инсон фақат бир иш билан шуғулланиши, ҳаётда эса турли-туман йўллардан ўтиши зарур.

Кўпчилик учун фан фақат тирикчилик воситаси ҳисобланидади ва улар, агар фан уларни боқса, ўз адашишларини ҳам илоҳийлаштиришга тайёрдирлар.

Биз нимаики қилаётган бўлсак, барчасининг оқибати бор, бироқ бу оқилона ваadolатли саъй-ҳаракатларимиз ҳамиша яхши оқибатларга, аҳмоқона саъй-ҳаракатларимиз эса ёмон оқибатларга олиб келади дегани эмас, кўпинча аксинча ҳам бўлади.

Фақат буюк инсонгина инсониятга хизмат қилади.

Ҳар қандай истеъдод билимлардан қувват олиши зарур, фақат билимлар ижодкорга ўз салоҳиятини амалда кўллаш имконини беради.

Гўзал аёлларни ортиқча сарф-харажатларга ўргатмаслик зарур, акс ҳолда уларни тийиб бўлмайди.

Инсон авлоддан-авлодга ўтадиган ижобий ҳодисаларга эҳтиёж сезади, бироқ ушбу ижобий ҳодиса айни вақтда ҳақиқий ва асл бўлиши мұхимдир.

Дунё шунчалик оддий қурилмаганда эди, мавжуд бўлиши мумкин эмасди.

Мухолифат, агар у недир бир нарса билан чеклаб қўйилмаса, кўпинча ўзининг зиддига айланади.

Минглаб бидъатларга ўралашиб қолиб, эҳтимол, биз қалбимизда яшаётган буюкликка эрк беришдан ожиз қолармиз. Биз буюмларнинг қулимиз ва бу буюмлар бизни чеклаб қўйиши ёки қанчалик эрк беришига қараб, пасткаш ёки нуфузли бўлиб куринамиз.

Одамлар равшанлик ва хушчақчақликка эҳтиёж сезади.

Бирор нарса қилиш учун бирор нарса бўлиши керак.

Буюк асар яратмоқчи бўлган киши дастлаб ўзини ўзи яратиши зарур.

Бизга берилган қобилияtlар түгма, бироқ биз камол топишимиз учун инсоният ҳозиргача яратганидан ўзимизга зарури ва кучимиз етганини ўзлаштириб оламиз.

Барча буюк ва оқилона нарсалар тақчил бўлади.

Иқтидорли одам бўлишнинг ўзи етарли эмас; ақл учун яна кўплаб нарсалар: масалан, бой-бадавлат яшаш, йи-

рик ўйинни ўйнаётганинг қартасига қараш, катта ютуқقا
ва шундай маглубиятга тайёр туриш зарур.



Хеч ким ўз ихтиёри билан бошқа одамга хизмат қилмайди, бироқ у бу билан ўзига ҳам хизмат қилаётганилиги-
ни англаб, бундан мамнун бўлади.



Тил ҳамма вақт ўзида ўз мамлакати муҳитини ифодалайди.



Ердаги борлиқнинг абадий мӯъжизаси — туғилиш ва
ўсиш, ҳалоқат ва янгидан пайдо бўлиш — оналарнинг уз-
луксиз ва бетиним меҳнатидир. Модомики, Ерда барча
нарса янгиланиб, асосан аёл ибтидоси туфайли наслини
давом эттирас экан, демак, ижодкор илоҳларга аёл қиёфаси
берилгани ва улар Она деган шарафли номга лойиқ то-
пилгани тушунарли бўлса керак.



Инсоннинг танҳолиги яхши эмас, ёлғиз ишлаш эса
янада ёмон. Муваффақият қозониш учун рафбат ва ҳам-
корлик зарур.



Ишқилиб, руҳ танага бўйсунмасин!



Дунёда асрлар давомида яхши нарсалар кўп бўлган,
уларнинг таъсири ҳануз давом этаётганига ва мудом ях-
шилик туғдираётганига ҳайрон бўлмаслик керак.



Аслида бизни ҳайратга соладиган нарсаларнигина
ўқишимиз зарур.



Мавжуд нарсалар бизни шунчалик қониқтирадики,
стишмаётган нарсани пайқамаймиз ҳам.



Инсон ўзи идрок этишга қодир бўлган нарсаларниги-на эътироф этади ва улуглайди.



Жоҳилликнинг биринчи белгиси – гўзалликни эътироф этмаслиқдир.



Шоир мамлакат осмонида виқор-ла парвоз қилаётган бургутга ўхшайди, унга ҳам нишон олаётган қуёни Прусия ёки Саксония ерида чопиб бораётганининг фарқи йўқ.



Мен илм-фан билан шуғулланиб, одамларни яхшироқ билдим.



Душманларнинг ҳужумлари менга одамларнинг ожиз жиҳатларини билиб олишимга ёрдам берди.



Ҳар бир миллат учун унга бевосита хос бўлган нарсалар, қандайdir бошқа миллатга тақлид қилинмаган, унинг ўз эҳтиёжларидан келиб чиқсан нарсаларгина яхшидир.



Агар ҳалқда буюк ислоҳотларга эҳтиёж ҳақиқатан ҳам пайдо бўлса, Тангри ҳам унинг томонида бўлади ва муваффақият албатта ёр бўлади.



Ҳамма нарсанинг ўз меъёри, ҳамма нарсанинг ўз мақсади бор.



Мен башар фаровонлигининг хизматкорига хизмат қиласман.



Табиатда фақат унинг қонунларига асосланган нарсаларгина гўзал, бинобарин, ҳаққонийдир.



Ҳақиқий истеъдод ато қилинган киши буюк ўтмишдошлари билан мулоқот қилишга ички эҳтиёж сезади ва бу эҳтиёж унинг юксак истеъдодидан далолат беради.



Албатта, оқилона нарса ҳамма вақт гўзал бўлади деб бўлмайди, аммо гўзал нарса ҳамиша ёки бир қадар оқилона булиши керак.



Инсон табиатидаги олий ва гўзал фазилат – она ерга мұхабbat, мамлакат қонунларининг ҳимояси остида эркинлик ва мустақилликни ҳис этишdir.



Журъатни йифиб қўпроқ тасаввурга берилиш зарур; ҳаётга сизни завқлантириш, қалб қаърига етиш, юксакликка кўтариш имконини беринг ва, майли, ҳаёт сизни улуғворликка ўргатиб, жасоратга отлантириб, куч ва мардлик баҳш этсин. Фақат буларнинг барчасини зинҳор мавҳум фикр ёки қуруқ гояга асосланган беҳудалик деб ўйламанг!



Энг яхши ҳукумат қайси? Бизга ўз-ўзимизни бошқарипени ўргатадигани. Оламдаги қўплад буюк нарсалар урушни можаролар туфайли топтаб юборилмоқда: ниманидир ҳимоя қилиб, асраб қололган одам энг олий ютуқни қўлга киритган ҳисобланади.



Ҳозирча кундуз – ҳаракат қилиб қол! Тун бошлангач, ҳеч ким қимир этмайди.

Ўзларининг нималарга қодирлигини англаб етадиган ҳамда ўз кучларини меъёрида ва оқилона сарфлайдиган идрокли одамлар ҳаётда узоққа борадилар.

Оқибатсизлик заифлик белгиси саналади. Мен ҳақиқий инсонларнинг беоқибат бўлганларини ҳеч қачон кўрмаганман.

Ҳаётнинг бош мезони жўшқин фаолият бўлиши керак, хузур-ҳаловат, фам-ташвишлар ўз-ӯзидан келиб-кетаверади.

Бу дунёда қалбимга энг яқини болалардир, уларни кузатарканман, митти вужудда бир кун келиб унга зарур бўладиган куч ва фазилатларнинг куртак ёзаётганини сезаман; унинг ўжарлигида келгусидаги қатъият ва сабот, шўхлигига эса келажакдаги хушфеълик, турмуш хавфхатарларини енгиб ўтиш қобилияти ва бошқа хусусиятлар шу қадар яхлит ва шу қадар бегараз ҳолда кўзга ташланадики!..

Ўз кучининг неларга қодирлигини киши уни синаб кўргандагина билади.

Киши қалбдан ўртанган, гам-аламдан қақшаган пайтларида сен заррача бўлса-да унинг дардини енгиллатишга қодирмисан?

Яхши кунлар оз, ёмон кунлар кўп, деб кўпинча зорланияз, назаримда, бу нотуғри. Агар бизга ҳар куни Танг-

ри ато этган яхшилик истиқболига самимий қалб билан чиқсак эдик, ёмонликка түқнаш келганимизда уни енгиш осонроқ бўлур эди.



Табиатан биз ҳаммамиз эринчоқмиз, аммо буни енгишга ўзимизда куч топсак, ишимиз юришиб кетган, ўзимиз ҳам бундан роҳатланган бўлардик.



Сен дўстларинг учун фақат биргина яхшилик қил, у ҳам бўлса, уларни шодлиқдан маҳрум этма, уларнинг баҳтини кўпайтириш ва бундан ўзинг ҳам роҳатлан – мана, сен ҳар куни ўзингдан талаб қиласидиган нарса.



Тубан, ярамас одатлар муҳим ишларни бажариш истагига халақит беради.



Табиат ҳар бир саҳифаси чуқур мазмунга лиммо-лим ягона китобдир.



Табиат ўз ҳаракатида мудом тиним билмайди. Ҳар қандай фаолиятсизлик унинг душманидир.



Табиат тўхтовсиз янги шакллар яратади.



Инсон бўлиш – курашиш демакдир.



Меҳнат устани яратади.



Ажойиб уста ясаган ҳамма нарса ҳам гўзал бўлавермайди.



Ҳақиқатга меҳр-муҳаббат ҳамиша эзгуликни қадрлай билишда намоён бўлади.

Муқаммаллик истаги — инсоний меъердир.

Хурсандчилик билан ишга киришадиган ва қилган ишидан мамнун бўладиган киши баҳтиёрdir.

Тартиб вақтни тежашга ўргатади.

Натижа — ишга берилган баҳодир.

Хулқ — бу кўзгу, унда ҳар бир киши ўз қиёфасини намоён этади.

Аввало, ўзинг ўзингга ўргата олгин, шундагина бошқалардан ўргана оласан.

Энг катта қийинчиликлар биз уларни кутмаган жойда пайдо бўлади.

Янги ҳақиқат учун эскича адашишдан заарлироқ нарса йўқ.

Кимки ўз даврининг яхши фуқароси бўлса, у келгуси авлодларга ҳам замондош бўлишга ҳақли.

Иккита нарсадан қутулиш қийин кечади: агар ўз ихтисосига ўралиб олинса — калтафаҳмликдан, бордию ундан четга чиқиб кетилса — асоссизликдан.

Ишонтириш — ҳар қандай илмнинг ибтидоси эмас, балки интиҳосидир.

Ҳеч нарса йүқотмайдиган одам бўлиш — ўта даҳшатлидир.

Ҳар бир кишининг феъли ва хулқ-автори ўз мақсади йўлидаги интилишида намоён бўлади.

Одамларнинг хулқ-авторини улар ниманинг устидан кулишаётганига қараб билиб олиш мумкин.

Хайрихоҳлик йўқ жойда хотира ҳам фойиб бўлади.

Енгил ҳукмронлик қилиб, қийин бошқаришга ўрганмоқ лозим.

Одамларнинг ўzlари ҳузуримизга келишса, биз уларни ўрганолмаймиз; одамларнинг қандайлигини билиш учун уларнинг ҳузурига боришимиш зарур.

Биз кўпинча тафаккуримиздаги хатолардан кўра, хулқимиздаги камчиликларни тан олишга осонроқ рози бўламиз.

Илм — инсоннинг ҳақиқий устунлиги мана нимада!

Нимани тушунмасалар, у — бегонадир.

Донишмандлик — фақат ҳақиқатдадир.

Фоялардан узоқлашган ҳар қандай одам, охир-оқибатда, ҳиссиётлар қулига айланади.

Жуда кўп одамлар ўзларини билган нарсаларини гўё тушунаётган қилиб кўрсатадилар.

Инсон тушуниб бўлмайдиган нарсанни тушуниш мумкинлигига ишониши зарур, акс ҳолда, у бу ҳақда фикр юритмай қўяди.

Бекор ўтган умр бу — барвақт ўлим топиш демакдир.

Тажриба — бизнинг абадий ҳаёт муаллимимиздир.

Ҳис-туйгулар алдамайди, уларга қараб чиқарилган ҳукмларгина саробдир.

Жасур фикрлар шашка ўйинини эслатади: олдиндагилар ҳалок бўлишса-да, фалабани таъминлайдилар.

Кимки кўп нарсага эришмоқчи бўлса, ўз олдига катта талаблар қўйиши лозим.

Нодонни ибрат қилиб, донони нодон этиб кўрсатишдан осони йўқ.

Бегона юрт ватан бўлолмайди.

Асосланмаган фаолият, у нимага йўналтирилмасин, ҳамиша муваффақиятсизликка олиб келади.

Вайроналик пайтида ҳар қандай сабаблар рўкач қилинаверади, бунёд этишда эса — аниқлик талаб этилади.

Нафрат — норозиликнинг фаол ҳиссиёти, ҳасад эса мажхулларидир. Шунинг учун ҳасаднинг тез нафратга айланishiга ажабланманг.

Юмор — даҳолик белгиларидан биридир, бироқ у кўпайиб кетгудек бўлса, сифати йўқолиб, сохта бўлиб қолади.

Муқаммал санъат асари бу — инсон руҳий оламининг инъикосидир, у шу маънода табиат фарзанди ҳисобланади.

Ифоданинг ўзига хослиги барча санъатларнинг ибтидоиси ва интиҳосидир.

Санъат асарининг афзалиги ва устунлиги унинг мустақил ва ўзига хослигидадир.

Дид билвосита эмас, балки энг муқаммал намуналарга қараб ривож топади.

Ҳар бир санъат асарида, у хоҳ катта ё кичик бўлсин, барча воқеалар моҳиятга бориб тақалади.

Рассомга қўйиладиган асосий талаб шуки, табиатни чукур ўрганиб, унга уйғун ва ҳамоҳанг асарлар яратсин.

Буюк рассом на ўзининг ва на бошқаларнинг асарлари ҳақида фикр билдира олади.



Шаклни мазмун сингари обдон яхшилаб ишлаш керак; бироқ бу жараён хийла қийин кечади.



Материални ҳар бир киши кўриб туради; унинг мазмунни ижодкоргагина маълум, шакл эса кўпчилик учун сирлигича қолади.



Актёрлар, томошабинлар, саҳна ва томошахона ҳам-жиҳатлигидагина яхлит нарса яратилади.



Шон-шуҳратни излаш керак эмас, унинг кетидан қувиш ҳам бефойда.



Ҳар бир ёзувчи машҳур бўлгунига қадар асарларида ўз-ўзини тасвирлаб, шу мақсадда ҳатто иродасига қарши бориши ҳам мумкин.



Кимга интилмоқ ёрдир, Ҳақ ўзи мададкордир.



Имкони йўқ нарса билан шундай муносабатда бўлиш керакки, токи унинг имкони топилсин.



Чекиш одамнинг ақлини пасайтиради: фикрлаш, ижод қилишга лаёқатсиз қилиб қўяди.



Чекишни текинхўрларга, ҳаётнинг учдан бир қисми-ни уйқуда ўтказадиган, бир қисмини ейиш, ичиш ва бошқа керак-нокерак ишларга сарфлайдиган ялқовларга чиқарганки, улар сўнгги учинчи қисмда нима қилишни билмасдан, умр жуда қисқа, дея зорланишдан бошқа нарсага ярамайдилар. Бу тахлит нусхалар учун трубка билан

севимли мuloқот, тутунни ҳавога пуфлаб маза қилиб ўтириш лаҳзалари битмас-туганмас ҳузур-ҳаловат манбаидир, иегаки, бу нарса уларга вақтни ўлдиришга кўмак беради.



Пивохўрлик ҳам чекишга киради, чунки бу билан қуйиб бораётган томоқ совитилади-да. Пиво қонни қуюлтиради ва тамакининг наркотик тутуни орқали кайф қилишни кучайтиради. Шу тариқа асаб томирлари ўтмаслашиб, қон томирга тиқилиб қолиш даражасида қуюқлашади.



Чекиш атрофдагиларга очиқдан-очиқ ҳурматсизлик, безбетларча менсимаслик ҳамдир. Чекувчилар бутун теварак-атрофдаги ҳавони бузишади ва ўз саломатлигини авайлаб, чекишга ружу қўймаган баъмани одамларни ҳам заҳарлашади. Чекувчи ўтирган хонага кирганда кимнинг кўнгли бехузур бўлмайди дейсиз.



Ўзини билган
Раббини билар.



Фақат табиатгина бениҳоя бой ва фақат угина буюк санъаткор яратади олади.



Шеърият – инсоният бойлиги ва у ҳамма жойда мингминглаб одамларда намоён бўлишига тобора кўпроқ амин бўлмоқдаман... Шу боис мен бошқа миллатларда нима борлигини завқ билан кузатаман ва ҳар кимга шундай қилишни таисия этаман. Миллий адабиётнинг энди унчалик аҳамияти қолмади. Энди бутунжаҳон адабиётига гал келди.



Олий устуворликка эга бўлишда Шарқ шеъриятининг ясosий фазилатини биз, немислар, руҳ деб атаймиз. Бироқ бундай имтиёздан фақат шоир эмас, балки бутун халқ фойдаланади.

Фарбни Шарқдан ҳеч ажратиш мумкин эмас.

Мен одам эдим, одам демак – курашчи демак.

Мен дунёда нимани билишга қодир бўлсам, буларнинг барини сен орқали биламан, эй, доно дилбар.

Таржимоннинг камчиликлари ҳақида қандай мулоҳазалар айтилишидан қатъи назар, унинг меҳнати бутун оламни бирлаштириш йўлида бажариладиган энг муҳим ва энг асосий иш бўлиб қолади.

Оригиналга шўнғиб кетган таржимон муайян даражада ўз миллатидаги ўзига хосликдан чекланади.

Инсоният учун нима нафратланарли бўлса, ўша нарса рухни қийнайди, инсоният учун нима севимли бўлса, ўша нарса уни илҳомлантиради.

Инсоннинг ҳам хурсанчиликдаги, ҳам ғамгинликдаги аҳволи аксар пайтларда, аксар масалаларда деярли ўзгармайди ва ҳар бир авлод ўзини нима кутаётган бўлса, унга бир қадар уйғунлашиш мақсадида, аллақачонлар ўтиб кетган замонларнинг хурсандчилиги ва азоб-уқубатларига қайрилиб қарашга ҳамиша сабаб топаверади.

Шекспирнинг буюк руҳига жон баҳш этган нарса реал оламнинг ўзиладир, унинг ўзиdir... Адид асарларининг улуғ асосини ҳақиқат ва ҳаётининг ўзи ташкил этади, шунинг учун унинг барча ёзганлари жуда ҳаққоний ва кучлидир. Унинг фазилати айнан ўз даврини акс эттирганидадир.

Олижаноб файласуфлар коинот ҳақида нима деган бұлсалар, бу Шекспирга ҳам тааллуқлидір. Шекспир бизни бутун дунё бүйлаб кездіради.

Майли, бизни атрофдаги воқеалик билан боғлайдыган жуда аниқ ҳиссиёт деб құзни ҳисоблай қолайлық. Лекин ички ҳиссиёт, ҳар қолда, янада аникроқ, унга сұз әнг олдин ва соғ қолда етиб боради, зотан, шу ички ҳиссиёт әнг маҳсулдордір, құз билан қабул қилинадыган юзаки нарса – биз учун ётдір, у бизга айтарлы даражада чуқур таъсир эта олмайды.

Құз билан қуришга қараганда тасаввур қилиш, тасаввурда – хаёлда «қуриш» осондір. Атрофда бұлаёттан барча буюқ, жағоний ҳодисаларнинг шабадалари, моҳияти, дағшатли пайтларда одамлар юрагида сир булиб қолған нарсалар, одамларнинг руҳида құрқиб-писиб түпланиб-яшириниб олған нарсалар – бу ларнинг ҳаммаси үшанда осонгина ва үз-үзидан очық қуриниб юзага чиқа бошлайды.

Бизнинг бузилған дидимиз құзларимизни шу қадар хиралаштириб юборғанки, бу қоронгиликдан қтулиш учун биз деярли бошқатдан тугилишимиз керакка үхшаб қолди.

Хаво беринглар менга, сұзламоқчиман!

Бир вақтлар яшаган ва ҳозирғи мавжуд бұлған миляттар бир-бирларидан буткул узилған қолда, бир-бирларидан ўрганмай, бир-биридан фойдаланмай яшамаганлар (айниқса, маданият бобида). Модомики, шундай экан, немис ҳам хориждан маърифат олғанлигидан, хориждагилардан, айниқса, поэзияни ўрганганидан, унинг мазмунни на шаклини олганидан уялмаслиги керак.

Ахир, ўзгалардан қандай яхши нарсалар олинган бўлса, улар ўзимизники бўлиб қолди. Ўзимизнинг соф маҳаллий-миллий бойлигимиз билан бир қаторда ё таржима орқали, ё қайта ишлаш орқали бошқалардан олинган нарсалар ҳам ўзимизниги айланиб кетади... Болаларни эса бошқа миллатларнинг хизматларини қадрлаш-ардоқлашга ҳозирданоқ барвақт ўргатиш керак.

Бошқа халқлар бизларнинг ўз муҳитимизда яратган асарларимизни олиб ўзлаштирасалар, бу биз учун олий даражада мақтовга арзийдиган нарсадир, шу билан бирга, бошқа мамлакатлардаги одамлар ўзга халқларнинг асарларини биз орқали олишлари ҳам шундай аҳамиятга эга. Агар биз таржималарда аффектациялардан озод бўлган шундай яқинлашувларга эришсак, унда аслиятдан қийналадиган бошқа юртдагилар товар ахтариб бизга мурожаат қилишади.

Германия менинг қалбим учун ҳам бениҳоя қимматлидир. Қайси соҳада ишламайлик ва қандай вазифада бўлмайлик, бари бир ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиз – халқимизни ҳар томонлама тарбия қилишга бутун куч ва қобилиятимизни сарфлашдан иборатдир, токи у бошқа халқлардан ортда қолмасин.

Менинг ниятим Farb билан Шарқни, ўтмиш билан ҳозирги замонни, форсий билан немисга алоқадор нарсаларни завқ-шавқ билан бир-бирига боғлаш ҳамда уларнинг урф-одатлари, фикрлаш тарзини ўзаро бир-бирига боғлиқ олиб қараш, бирини иккинчиси орқали тушунишдир.

Шеърият айрим нозиктабъ ва тарбиятли кишиларга авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган хусусий мулк эмас, балки жумлаи жаҳонга, барча халқларга хос истеъодод мевасидир.



Ахлоқ – бизнинг шахсий эҳтиёжларимиз билан абадий муросага интилиши миздир.



Ахлоқийликнинг туб пойдевори эркин иродадир.



Санъат асари, шубҳасиз, ахлоқий натижалар касб этиши мумкин, лекин санъаткордан ўз олдига ахлоқий мақсад ва вазифалар қўйишини талаб қилиш – бу унинг ишини расво қилмакдир.



Инсон бошқаларнинг баҳтидан баҳтли бўлса, у ҳақиқий ҳаёт кечираётган бўлади.



Инсон учун битта буюк баҳтсизлик бор: бу – унинг қалбини ҳақиқий ҳаётга мутлақо таъсир кўрсатмайдиган ёки уни меҳнатдан чалғитадиган фоя қамраб олишидир.



Ўз тепамиздаги ҳеч бир нарсани эътироф этмаслигимиз эмас, балки айнан ўша тепамиздаги нарсани ҳурмат қила билишимиз бизга эркинлик беради. Чунки бундай ҳурмат бизнинг ўзимизни ҳам юксалтиради.



Бурч – ўз-ўзингга амр этишга бўлган муҳаббатдир.



Сенинг бурчинг – кун талабидир.



Характер ҳар ким ўзини намоён эта оладиган мақсадлар сарி кучли интилишдир.



Ҳеч бўлмаганда ўз шахсини йўқотиб қўйиш хавфида ўтикни намоён этишга интилиш кучли характер деб аталади.



Агар мен ўзимнинг ўзимга ва ўзимнинг ташқи дунёга муносабатимни била олсан, буни мен ҳақиқат деб атайман.



Маслаҳат сўраган — аҳмоқ, маслаҳат берган — такаббурдир. Фақат ўзинг иштирок этмоқчи бўлган иш бора-сидагина маслаҳатлашиш мумкин.



Билим қанчалик чукур ва тўлиқ бўлиши лозим эса, муҳаббат, айниқса, эҳтирос шу қадар қудратли ва жонли бўлмоги керак.



Ким онгли равишда ўзини чеклай олса, у камолотга жуда яқиндир.



Биласанми, жasad — зиндандир, жонни алдаб унга қамаганлар.



Мен, худди ит сингари, бир неча ойлаб азоб-уқубат чека туриб сукут сақлай олдим, лекин муттасил ўз мақсадим сари интилдим. Ниҳоят, уни амалга ошириш кези келганда, мен ҳеч нарсага қарамай, бор кучим билан мақсад сари отилдим. Қандай азоблар чекмадим! Кўпинча энг олижаноб ишларим учун мени қисти қафасга олдилар.



Таржима — бу қандайдир учинчи адабиёт.



Бизни тасаввур ва тушунчаларимиз имконияти доирасида нотаниш мамлакатлар билан таниширадиган таржималарда асосий эътибор ушбу асар мансуб халқнинг хусусиятларини кўрсатишга қаратилади.



Биз таржима жараёнида нотаниш юртларга саёчат қилгандай бўламиз, аммо амалда ўзгаларнинг фикри ва ҳиссиётларини ўзлаштириб, ўз фикр ва ҳиссиётларимиз сифатида ифодалашга интиламиз.



Аслиятга ўхшаш таржима яратиш, бу асл нусханинг ўрнини босмаса ҳам, лекин, ҳарқалай, ўринбосар бўлишга даъво қиласиган таржимадир. Бу юксак ва баркамолликка элтадиган таржимадир.



Архитектура — тилсиз мусиқа.



Ялқовлик ва хато тушуниш адоват ва макрдан кўра кўпроқ ёмонлик келтиради.



Ёшлик ўқитишдан кўра рағбатлантиришни кўпроқ яхши куради.



Инсоннинг хулқ-автори унинг қиёфаси акс этадиган кўзгудир.



Ўз душманларининг камчиликларига умид қиласиган одамлар бор; бироқ бундан ҳеч бир иш чиқмайди. Мен доимо ўз рақибларимнинг хизматларини назарда тутиб келдим ва ундан ўзимга фойда олдим.



Вақтнинг бой берилиши, айниқса, кўп нарса биладиганлар учун оғир йўқотишидир.



Кўпчилик одамлар яшаш учун вақтнинг кўп қисмини иш билан ўтказадилар, озгина бўш вақт уларни шунчалик

ташвишлантирадики, улар ҳар хил йўллар билан ундан кутулишга уринишади.



Вақт – қайсарликнинг содик иттифоқчиси.



Кўрнамаклик – ожизлик белгиси. Буюк кишилар ҳеч қачон кўрнамак бўлмайдилар.



Характер катта ишда ҳам, кичик ишда ҳам ўзингни лаёқатли деб ҳис қиласидиган амални изчил рўёбга чиқаришидир.



Инсоннинг вазиятни мумкин қадар кўпроқ ўзи белгиланиши ва ўзи томонидан вазият белгиланиши учун мумкин қадар камроқ имконият қолдириши унинг буюк хизматидир.



Уста ўзини тийиши билан уста.



Даҳодан талаб қилинадиган биринчи ва охирги талаб – бу ҳақғўйликдир.



Ақл ёрдамида тузатиб бўлмайдиган аҳмоқлик мавжуд эмас, аҳмоқлик туфайли путур етмайдиган донолик ҳам йўқдир.



Бизнинг душманларимиз ўзларича бизни рад этадилар: ўз фикрларини такрорлайверадилар ва бизнинг фикримизни эътиборсиз қолдирадилар.



Ўз замондошлари учун кичкинагина хайрли иш қилганлар асрлар оша яшайдилар.

Биз ўз истакларимизга әгалик қиласыпман деб тасаввур қылган пайтимизда истакларимиздан ҳар қачонгидан күра күпроқ узоқ бұламиз.

Фақат бир марта яшайсан.

Хаёт — ҳазил, бунинг устига ножүа ҳазил. Бир қара-санг — ҳеч нарса йўқ, бир қарасанг — уй тұла одам.

Агар нарсаларга қизиқишни йўқотсанг, хотирадан ҳам айриласан.

Инсон дунёни қай даражада идрок этса, ўзини ўзи ҳам шу даражада англай олади.

Билим — чексиз, у эътиқод билан чиқиша олмайди.

Ўзини ўзи англаш ҳеч бир хурсандчиликка олиб келмайди деб ҳисоблайман.

Санъат сўз билан ифодалаб бўлмайдиган воқеликнинг воситачисидир.

Ҳар бир ижодкорда жасоратнинг куртаги бўлади, унингиз ҳеч бир истеъдодни тасаввур қилиб бўлмайди.

Хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, ҳар бир санъат асарида барча нарса концепцияга бориб тақалади.

Шоир – илҳом соҳиби. Шоир уни бўйсундира билиши керак.

Ҳақиқат улкан машъаладир: биз куйиб кул бўлмаслик учун уни қўрқа-писа айланиб ўтишга уринамиз.

Донишмандлик фақат ҳақиқатга суюнади.

Биз аслида ўзимиз ҳукм чиқара олмайдиган китоблардан ўрганамиз. Биз ҳукм чиқара оладиган китоб муаллифи биздан ўрганиши керак.

Ҳамма нарсани билиб олиш мумкин бўлган, бироқ ҳеч нарса ни тушуниб бўлмайдиган китоблар бор.

Биринчи тугмани тўғри қадамадингми, қолганларини ҳам рисоладагидек қадай олмайсан.

Танқиддан қутулиб ҳам, ҳимояланиб ҳам бўлмайди, қасдма-қасдига иш тутиш керак, шунда у кўнигади.

Севгининг ақлга ҳеч бир алоқаси йўқ.

Кимки эришиш мумкин бўлмаганга эришишни истаса, менинг учун мукаррамдир.

Ўзининг нокомил эканлигини англаш мукаммалликка яқинлаштиради.

Кимки фаолият кўрсатмоқчи экан – тинчлигини унутсин.

Фаол нодонликдан кўра қўрқинчлироқ нарса йўқ.

«Нима» эканлигини, албатта, ўйлаб кўр, бироқ «қандай қилиш»ни ундан ҳам кўпроқ ўйла.

Қобилияят олдиндан берилади, бироқ уни уддалай билиш керак.

Табиат ҳазилни ёқтирумайди, у ҳамма вақт ростгўй, доимо жиддий, ҳамиша қатъиятли, ҳар доим ҳақ; хато ва янглишишлар одамларнинг ишидир.

Табиат ўз ҳаракатида тўхташ нима эканлигини билмайди ва ҳар қандай фаолиятсизликни қатл этади.

Ҳеч нарса билмайдиган ҳамма нарсага ишонади.

Ҳақиқий саҳоватли киши ҳеч қачон ўз соясига – шоншухратига қиё боқмайди.

Ҳазил-мутойиба – даҳоликнинг унсурларидан бири.

Хурофот – бу ҳаётнинг шеърияти.

Фараз – бино олдига барпо этиладиган ва бино тайёр бўлгандан кейин бузиб ташланадиган ҳавоза.

Кўп биладиган эмас, ўзини яхши биладиган ақлли-дир.

Мақсадга яқинлашганинг сари қийинчиликлар кўпаяди. Бироқ ҳар бир киши ўз йулини юлдузларга ӯшаб шошилмасдан, лекин мўлжалланган мақсадга изчил интилиб босиб ўтсин.

Гарчи қўлга киритилмаган бўлса-да, юксак мақсадлар эришилган кичик мақсадларга қараганда қадрлидир.

Кимки кўп нарсага эришмоқчи экан, ўзига юксак талаблар қўйиши керак.

Барчасини янгидан бошлаш хоҳиши инсонга хос хусусиятдир.

Кимки ўзини катта тутмаса, у ўзи ўйлаганидан кўра яхшироқдир.

Ўзини тия олган виждонли одам жуда устомон удда-буронларнинг макр-ҳийлаларини ҳам яққол кўра олади.

Бахтли одам мўъжизаларга ишонмайди.

Ишонч билан сўзла – сўзлар ва тингловчиларга таъсир ўз-ўзидан келади.

Биз ҳеч ким бўлмаслигимиз керак, бироқ биз ҳамма бўлишни хоҳлаймиз.

Хозирча барча нарса бой берилмаган экан, демак, ҳали
ҳеч нарса йүқолмаган.

Матбуот эркинлигини суиистеъмол қилмоқчи бўлган-
лар у ҳақда кўпроқ айюҳаниос соладилар.

Халқ қаримайди ҳам, ақлли ҳам бўлмайди; халқ доимо
ёш болалигича қолади.

Ҳаётдан кўзланган мақсад – бу ҳаётнинг ўзидир.

Абадий назокат бизни юксакликка чорлайди.

Ўзини нигоҳлардан эркинман деб ўйлаган қуллардан
бечора қуллик йўқ.

Яхши кайфиятни ушлаб қолинг – чунки у бизни фа-
қат онда-сонда йўқлаб қолади.

*Гёте ҳаётидан ҳангомалар**

Саёҳат қилиб юрган Гёте кафега кириб, ўзига бир шиша вино буюрди. Винони ичишдан олдин озгина татиб кўрдида, кейин унга сув аралаштириди.

Айни пайтда қўшни столда бир гуруҳ талабалар ҳам вино ичишиб, кайфичнолик қилишар, шовқин-сурон авжидаги эди. Улар қўшни столдаги жанобнинг винога сув қўшиб ичаётганини кўришиб, унинг устидан кулишди. Улардан бири Гёtedан сўради:

— Айтинг-чи, ҳурматли жаноб, нега шундай мазали ичимликка сув аралаштиридингиз?

Гёте унга жавобан деди:

— Ёлғиз сув соқов қиласи, бунинг исботи сувдаги балиқлар; ёлғиз вино телба қиласи, бунинг исботи манави жаноблар; мен ҳар иккаласидек булишни истамаганим учун винони сувга аралаштириб ичяпман.



Гёте Ваймар боғида сайр қилиб юради. Торгина бир йўлакда ўз танқидчисига дуч келиб қолди. Бу танқидчи Гёте асарларини миридан-сиригача текшириб, мудом тирноқ остидан кир қидиради. Улар рўпарама-рўпара туриб қолишганда танқидчи кеккайиб:

— Мен аҳмоққа йўл бермайман, — деди.

— Мен эса йўл бераман, — деди Гёте ва жилмайиб унга йўл бўшатди.



Гётенинг ошхонасида юурдаклик қиласиган бола бир куни ошхонадан катта балиқни ўғирлаб, уни пальтосининг остига бекитганча боғдан чопиб ўтиб борарди. Дераза олдida турган Гёте иттифоқо боланинг этадиган чиқиб турган балиқнинг думини кўриб қолди.

* Янглиш Эгамова таржималари.

- Ҳой бола! — чақирди у қатъий оҳангда.
- Жаноби олийлари нима буюрадилар? — сўради бола довдираб.
- Буйругум шуки, бундан бўён мабодо балиқ ўғирла-
моқчи бўлсанг, ё узунроқ пальто кий, ёки бўлмаса, балиқ-
нинг кичикроғидан ол.



Ваймарлик бир таниш хоним Дрезденда Гётени учра-
тиб қолди ва нима учун эски шляпада юрибсиз, дея су-
риштира кетди. У шу қадар ёпишиб олдики, охири шоир,
энди янгисини сотиб оламан, деб ундан зўрға қутулди.
Улар қайта учрашиб қолишганда Гёте ҳалиям ўша шляпа-
да юарди.

- Бу нимаси, жаноб Гёте!
- Бу менинг айбим эмас, марҳаматли хоним, — жавоб
берди Гёте тавозе билан, — қанча изламайин, ҳеч қаердан
ўзимга лойиқ шляпа тополмадим.

«Фауст» асаридан*

Оломон ҳисларни ютувчи бало,
Сурон – тафаккурни күмгувчи гирдоб.



Бас, ўйлар тошқинин тиндиролсак биз,
Мукаммал гўзаллик шунда туғилар.
Жилванинг умридур бир лаҳза фақат,
Авлодларга қолур ҳақиқат, санъат.



Замонга ёр булиш кичкина ишмас,
Чин дилдан кулдириш бачкана ишмас.
Кулки – зар, кучада ётмас, азизим.



Тудани ҳангуга манг қилолган одам
Унинг юрагига бўлолгай ҳоким.



Санъатда косиблик – козибликка тенг.



Дўстим, ҳар хунарнинг ўз амали бор,
Тахтага арра-ю, темирга сандон.



Хонимлар томоша кўрмоққа тугул
Кўрсатмоққа келур фақат ўзларин.



Менда тангри бермиш олий ҳуқуқ бор,
Сени деб мен уни лойга қормасман.

* Иоганн Вольфганг Гёте. Фауст. – Т.: Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, Таржимон Эркин Воҳидов.

Шеърият қалбларни ёкур не сабаб?
Наҳот боис бұлса баландпарвоз гап!
Шоир юрагида пинхондир олам,
Жаҳоний уйғунлик унда мужассам.

Кимдир ул, забт айлаб Олимп маснадин,
Тангрилар посбони бұлолған қодир?
Үлдир одамзоднинг буюк күдратин
Қалбида мужассам айлаган шоир.

Хар ким үз қалбини үзи англамас,
Уни күрсатсангиз очар күзини.

Кимки тутиб олган бұлса үзини,
Үнга асар қымас турфа эртаклар.
Қайтиб бергин менга ёшлигим, у пайт
Үзим гадо ва лек күнглим шоҳ эди.

Дерларки, кексалик келгач доимо
Болалик қайтармиш, ҳайрон қоламиз.
Аслида ҳаммамиз ўлгунгача то
Оlamдан фоғилмиз – гұдак боламиз.

Шеърий кайфиятни тек кутган шоир
Умр сұнгигача кутиши мумкин.
Агар шоир бұлса чинакам олғир
Илҳом этагидан тутиши мумкин.

Тезгина киришинг, фурсат кутмайди
Шартта қилинмаса ҳеч иш битмайди.
Кун ўтдими тамом қайтмайди у ҳеч,
Иш жиловини тулинг, то бұлмасин кеч.



Бутун коиноту юлдузли олам —
Шу кичик саңнада бўлмиш жамулжам.
Осмон қабатларин баридан ўтиб,
Бунда тушмоқ мумкин токи жаҳаннам.



Инсон — коинотда кичкина худо,
Шундай яралган у азал ибтидо.



Кечир, гарчи унга бердинг башар от,
Аммо яшаётир мисли ҳашарот.
Худди чигирткадек ҳас-чўплар аро
Гоҳ учар, гоҳ сакрар, гоҳ тузар наво.



Раҳмат, тангри. Ўлик зотларда менинг
Зарра ишим йўқдир. Улар не даркор?
Мени тортар ўзига фақат тирик жон,
Юздаги қизиллик, юракдаги қон.



Зулматдан йўл топиб чиқолур инсон.
Унга чироқ бўлур мен берган идрок.



Инсон табиати уйқуга мойил,
Сен унга қутқу сол, туртиб тур доим.
Атрофидা айлан, қўзгот эрта-кеч,
Ҳар замон бедор тут, ором берма ҳеч.



Олам гўзаллиги завқ берсин сизга,
Кимки юрагида шавқ билан яшар —
Кимки алам чекар, ёнар, курашар,
Ёру ҳамроҳ бўлсин юрагингизга.



Илоҳиёт ила банд бўлдим,
Файласуфи хирадманд бўлдим.

Илми ҳуқуқ, илми табобат –
Барчасини ўргандим, фақат,
Фақат менга бир нарса аён:
Нодон эдим, нодонман ҳамон.



Кимлигимни биламан, аммо –
Ғурур ила санамам асло
Ўзни олам боғибони деб,
Аҳли одам чароғбони деб.
Топганим йўқ бойлик ва шуҳрат,
Тотганим йўқ ҳаётда лаззат.



Токи мен фўр, жаҳолатга банд –
Санамайин ўзни донишманд.
Танҳоликда билайнин, олам
Қай куч ила уйғун эрур, жам.
Кўнгил бермай нодон бидъатга,
Токи етай туб ҳақиқатга.



Танҳоликнинг дарди юракда.



Борлиқ кўз олдимда мисоли суврат,
Гүё менинг ўзим холиқи кудрат,
Гүё илкимдадир жаҳоний миръот,
Гүё кафтимдадир бутун коинот.
Аён бўлмиш менга бир доно ҳикмат:
«Сенинг ёнингдадир руҳлар дунёси,
Эшиги қулф эмас, сен кўрсан фақат.
Сени чўмилтирса саҳар зиёси,
Кўз очсанг, бу дунё мана, марҳамат».



Қани журъат, эй, олий одам!
Туйгуларинг оташи қани?



Эй сен, тирикликтининг бетинч даҳоси –
Менинг тимсолим!

Йўқ! Ақлинг зиёси
Кашф этган руҳ фақат сенга ошино.

Чинакам иқтидор йўқ бўлган жойда
Пешона теридан қанчалик фойда?!

Ақлу заковатда бўлолса устун,
Воизу носиҳнинг имони бутун.
Кимки ўзи танбал, ҳам зеҳни ўтмас,
Аён ҳақиқатдан бир қадам ўтмас.
Бўлмагач янгилик излашга тоқат,
Ўзгалар фикрини такрорлар фақат.

Ва лекин бўлмаса фикр ва туйғу,
Юракдан юракка йўл йўқдир асло.

Ҳалол обру олиб ўрганинг ҳар вақт,
Маъни дeng, берилманг ортиқ оҳангага.
Куруқ сафсатаю ваъз эса фақат —
Жаранглаб тургувчи қалбаки танга.
Кўнгилда шавқ ўти ёнса чинакам,
Чиройли сўзларни ахтармас одам.
Гар маъни пуч бўлса, қофиялик сўз,
Оҳангдор жумлаю чиройли мақол,
Кўнгилни фаш қилур бамисоли куз —
Хазон япроқларин учирган шамол.

Умрининг ярмини берар баъзилар
Етиб олмоқ учун булоқ бошига.
Лекин ярим йўлда кўпи чўзилар
Урилиб жонбозлик харсанг тошига.

Қоғоз боса билмас қўнгил ташнасин,
Тафаккур мифтоҳи китобда эмас.

Хаёт асфорига интилган ҳар кас
Ўз қалбидан топар сирлар чашмасин.



Нақадар завқлидир ўрганиб билмоқ.



Үтмиш асрларга құл урманг асло!
Ечолмаймиз сирли мозий муҳрини.
Мударрислар айтган замон руҳини
Уларнинг ўз руҳи, фикри деб англанг.
Бу – үтмиш ҳақида әртакдир. Уни –
Ҳақиқий үтмиш деб деб айтурлар, аттанг.
Баъзилар үтмишни қылганда хаёл,
Бир ҳужра кўринур – тұла чұвринді.
Баъзиларга эса үтмиш бамисол
Қўғирчоқ, ўйини бўлиб кўринди.
Эмишки аждодлар бўлмишdir бир чоқ
Бозигар қўлида тирик ўйинчоқ.



Билмоқ ўзи нима? Гап шунда, дўстим,
Бу жабҳада ҳали кўп нарса ишкал.
Оlam сирдонига калит топғанлар,
Қалб уйин очғанлар бўлган хору зор.



Рост, ҳаёт заҳмати қийнамас бизни, –
Ўзимиз тўсамиз ўз йўлимизни.
Қорин деб ўтурмиз фоний дунёдан,
Юрак ташналиги бизга бегона.
Юксак мақсадларни кўзлаган одам
Бизларда саналур далли девона.
Энг гўзал, мусаффо, сирли туйғулар
Ҳаёт гирдобида янчилар, ўлар.
Гоҳ илҳом забт этса кўнгиллар кунжин,
Учурмиз чулғаниб мовий туманга.
Лекин елкамизга осилган хуржун
Дарҳол олиб тушар бизни тубанга...
Шафқат, номус деймиз, аслида булар,

Ожизлик юзига тортилган ниқоб.
Турфа хил сабабу узр ягона
Күнгилни алдамоқ учун баҳона.
Бола-чақа деймиз, уй-жой ва хотин...
Гоҳ утдан құрқамиз, гоҳида сувдан.
Йүқ, булар ожизлик солған құрқұвдан,
Зоҳир ҳадик эса, тубанлик ботин.



Ҳа, минглаб китобдан топдим бир маъно:
Доимо азобда яшаган одам,
Бахт эса ҳамиша бўлган истисно.



Табиат ўз сирин ганжина таҳлит
Тилсим қопқаси-ла айламиш ниҳон.



Мерос сақламоққа лойиқдир фақат
Ўзи ҳам бир мерос қолдиргувчи зот!



Ҳар янги лаҳзанинг меваси лазиз.



Сени олқишилайман, эй кутлуғ шарбат.
Кўнглим топинади сен томон фақат,
Инсон яратолган энг буюк неъмат!



Тангрилар олдида инсоннинг куни
Зарра кам эмасдир, этгил намоён.



Мұйжиза имоннинг суюк фарзанди.



...Майлига дунё
Ўз аҳли қонига олуда бўлсин.
Борлиқ остин-устун бўлсину аммо...
Аммо менинг уйим осуда бўлсин.



Не учун сиз таъзим қилурсиз менга?
Бош эгинг шафқатни ато этганга.



Отанинг маслаги фарзандлар учун
Ҳар нарсадан қутлуғ бўлмоғи керак.



Ул инсон баҳтликим, бу зулмат аро
Ҳидоят йўлини излар дамо-дам.
Аён нарсалардан фойда йўқ асло,
Сирлар дунёсига интилар одам.



Не учун, не учун йўқ менда қанот?
Күёшнинг кетидан қувлашиб учсан.



Олдинда ёргуғ кун, ортда қаро тун.



Кўнгил парвоз истаб талпинади, бу –
Барча одамзодга қадрдон туйғу.



Кувончдан фалакда учарман агар
Қўлга тушиб қолса нодир бир асар.



Сен-ку ит, одамзод феъли галати –
Ҳаргиз чин донишдан кулмоққа тайёр.
Ўзидан баландга ҳуриш одати
Ажабо, наҳотки итларда ҳам бор?



Суз сен учун ахир ҳеч нарса эмас,
Сенга фақатгина амал муқаддас.



Ҳар амалнинг ўзга номи бор аммо,
Англаб олмоқ учун сенинг зотингни
Билмоқ кифоядир фақат отингни.



Мен ҳаргиз ёмонлик тилаб –
Яхшилик қилғувчи кучнинг бир қисми.



Манманлик – бу гоғил одамзодга хос.
Бутун деб биларлар улар ўзларин.



Поён билмас Йўқлик олами аро
Кичкина заррадир бу Борлиқ дунё.



Қаён боқма – ерда, сувда, ҳавода
Ҳаёт куртаклари мангу намоён.



Демак, дўзахнинг ҳам қонунлари бор,
Буни билиб қўймоқ албатта даркор.



Қай лиbosда бўлмай, барибир қалбим
Сезажак не ғусса бўлса дунёда.
Ёлгиз сафо учун кексайиб қолдим,
Беҳавас бўлмоқقا ёшман зиёда.
Не берур мен ўзим билмаган олам?
«Тобе бўл, сабр ила чека бер алам!»
Шу – такбир бизларга азал ибтидо,
Шу – мангу қулоқда янграган нидо.



Яхши меҳмон эмас ва лекин ўлим.



Комусул аъламмас, билгичман, холос.



Лаънат, адо қилгувчи бизни
Күнгилдаги такаббурга ҳам.
Лаънат, мурғак ҳисларимизни
Алдагувчи тасаввурга ҳам.
Лаънат сенга, бизни банд этган
Турмуш ўйи, оила, шухрат...
Барчасига чидармиз, ҳайҳот,
Лаънат бўлсин сабру бардошга.



Куйлар, тингла жим.
Куй тұла ақл.
Магзини чаққил.
Дерлар: — Одамзод,
Кишенларни от.
Оlamга құз оч,
Тор кулбангдан қоч...
Қанчалик бемаъни бўлмасин муҳит,
Барибир одамсиз яшолмас одам.



Мен замин ўғлиман, шунда ягона
Менга ошинодир ғам, шодиёна.



Билармисан, нелар истайди инсон?
Унинг орзуларин тушунсанг зора!



Неъматинг асрори менга аёндир:
Бугун куртак ёзса, эрта хазондир.



Агар мен бир онни улуғлар бўлсам,
«Тұхта, эй сония!» — деб айтсам агар,
Сенинг тутқунингман майли ўша дам.



Хеч сўздан қайтиш йўқ, бўлгин хотиржам.
Тафаккур қилишдан агар тўхтасам,
Барибир эмасми жоним олса ким.



Билгинки, инсонда субут бўлса оз,
Ёрдам бера олмас ҳеч қандай қофоз.
Аксинча, қофозлар гирдоби аро
Ҳали ҳам инсоннинг сўзи муқаддас.
У ўша сўз учун, қофоз учунмас –
Курбон булмоққа ҳам тайёрdir ҳатто,
Таажжуб қиласман, нечун одамлар
Эътиқод қилурлар ҳатга, мухрга.
Қофоз – фақат қофоз, сўз эса гавҳар,
Қоғоз – йиртилгунча, сўз-чи – умрга.



Қон – ўзгача шарбат, йўқ унга қиёс!



Инсонликдан ягона фахрим –
Коинотга бергувчи тузум
Буюк руҳ-ла сўзлашдим ўзим.



Менинг учун олам жумбоқдир,
Тафаккурдан жуда йироқдир.



Элтса фақат шиддат карвони,
Ўзлигини топур одамзод.



Тор қафасдан қутулган юрак
Эл дардига бўлсин ошиён.



Тириклик бу – мисоли чандир,
Минг йилларким, тишларим банддир.



Бу оламни қамрамоқ бутун
Амалидур ёлғиз тангрининг.



Лекин жуда олис камолот йұли,
Берилган умр ҳаддан зиёд оз.



Фикрингда жам бұлур бу мавжуд дунё,
Үзинг микрокосма бұлурсан танҳо.



Сен – үзингсан, үзга ҳеч кимса әмас.
Миллион жингалаклик соч тақсанғ гарчанд,
Пошнангни бир қарич күттарсанғ баланд,
Барибир – үзингсан, уринмоқ абас.



Калта үйламоқдир бандалар иши,
Сен ҳам бошқалардан әмассан ортиқ.
Бор экан күксингда ҳаёт оташи,
Сенга тангри бермиш омонат тортиқ.



Китоб бандаси бу – бошвоқсиз ҳайвон,
Юлқиниб чопищдан үзгани билмас.
Атрофика не бор – йўқ унда ҳавас,
Гулу чечакларни қиладур пайҳон.



Илм менга – тириклиқ – ҳаёт!



Истагимга йўқ сира поён,
Ҳар соҳанинг олими бўлсам.
Сирин очса менга ер, осмон,
Сув, ҳаво-ю, табиат – олам.



Үтказманг ҳеч фурсатни бекор,
Илм олишда тартибот даркор.



Олим бұлмоқ учун мукаммал
Мантиқ илмин әгалланг аввал.
Ү ақлии чархлайди бардам,
Үргатади интизомга ҳам.



Инсон ақли бамисли дастгоҳ,
Бунда ҳам бор дастак ва шона,
Бунда ҳам бор үриш ва арқоқ,
Мингни боғлар бир ип ягона...
Қанча билманг оламни аммо,
Қанча солманг борлиққа нигоҳ,
Бу тафаккур аталған дастгоҳ
Түқиёлмас ҳаётій мато.



Неким билмоқ мумкин эмасдир,
Чуқур дея атамоқ басдир.
Сүз күп — силлик, ҳар ҳолаттаға мос,
Машаққатдан қылувчи халос.



Аён, неки хатта түшди, бас,
Уни асло йýқотиб бўлмас.



Кўхна қонун ақоидлари
Бамисоли ирсий хасталик...
Тирикликнинг қонуни ўзга,
Аммо уни илмаслар кўзга.



Сўзни маҳкам ушланг, тўғри йўл
Элтар сизни ишонч қасрига.



Қуруқ сұзнинг ўзидан доим
Назариёт яратар олим.
Билмоқ керак сұзни мұқаддас,
Сұзни асло рад этиб бұлмас.



Оlam аро бұлса қанча сир —
Барчасини ўрганинг бир-бир.



Ким виқорни касб этса — азиз,
Халойиқнинг ҳурмати анга.



Назария — қуруқ оғочдир,
Аммо яшнар ҳаёт дарахти.



Шодлик оламига бұлардым эга —
Андак енгилтаклиқ етишмас менга.



Яшаңға ўрганиш унча қийинмас,
Шарти шу — ўзингга ишонч бұлса бас.



Хавас зұру аммо қобилият оз.



Бу қандай гүзіллик, тафаккур билан
Үнга бовар құлмоқ мушкул ниҳоят.



Күп фасллар кечди, ўтди күп замон,
Илму маърифатдан ўзгарди олам.
Оlam — янги, демак, янги шайтон ҳам.



Оlam-ку шайтону ножинсга тұлған,
Уларға ҳұрмат-ла құлурлар назар,
Аммо ёмон отлиқ биз – шайтон азал.



Шундай одамлар бор, улар талаби –
Күринган фунчани албатта узмоқ.
Гүё улар учун яралған олам,
Улар учун ишқ ҳам, бор гүзәллик ҳам.
Муқаддас түйғу йўқ уларда бироқ –
Сен ҳам ўшаларга ўхшама, ўртоқ.



Үйлаб кўр, биринчи кўришдан бошлаб
Мақсадга етмоқнинг не қизифи бор?
Шириндир висолга уриниб етмоқ,
Тезда қўлга кирган ишқ ҳам беқадр.



Эй, севги деб аталған түйғу,
Борлигимга бўл сен ҳукмрон.



Ўз нафси балосин енга олса ким,
Мурод-мақсадига етади доим.



Ажаб, совға қилиш – ошиқнинг дарди!
Мумкин бўлса, ҳатто кўқдан моҳитоб –
Юлдузларни олиб ёрга берарди.



Фамдан кўрққан кулмас шодлик боғида.



Биламан, боқиймас тириклик ўзи,
Биламан, жоизмас мангалик сўзи.



Ёшликка ярашар изламоқ, кезмоқ,
Хаёт нима – йўқдир заррача парво.
Лекин қарилликда танҳо ва бўйдоқ
Қора ерга бормоқ кўп огир савдо.



Ишон, инсондаги дониш ва ҳикмат
Бемаъни кибрнинг белгиси фақат.



Э, воҳ, нечун поклик, соддалик
Билмас бу дунёда ўз баҳосини.



Гап борки, ўз уйинг, жуфти ҳалолинг
Дунёча бойлиқдан кўра афзалроқ.



Оlamda шодлик бор –
Икки юракни
Боғлагувчи шодлик фақат дунёда.



Севгининг сўнги бу – оламнинг сўнги.
Йўқ, севги мангудир,
Мухаббат мангур.



Илоҳий ҳисларни асрамоқ жонда
Ва танҳо изламоқ роҳи ҳидоят.



Тангри яратди-ю аёл билан эр –
Бири-бирига мойил берди эҳтирос.



Оҳ, дилбар огуши мен учун жаннат,
Барча лаззатларнинг етук камоли.



Берк күчага кириб қолса гар аҳмоқ –
Оlam тутади деб қилади гумон.



Ким менга азиздир – унга жон фидо,
Аҳли саждалардан кулмасман аммо.



Ҳақиқатда йүкми теграмизда бу –
Сену мен сезгану сезмаган дунё?
Шу дунё бағрида борлигингни бил,
Ҳаёт бутунлигин англа доимо.



Барча гап туйғуда, сүз эса фақат
Нурағшон фалакни түсгувчи тутун.



Қизлар орзусига эътиқод йўлдош.



Қанча эътиқодли бўлса агар эр,
Бўлур хотинига у шунча ювош.



Қизнинг юрагида эътиқод – ёфду.



Албатта совгами? Усиз ҳам, ишон,
Мумкиндири оламда кўнгил яйратиш.



Миршабни кўндириш мумкин амаллаб,
Иш қозига етса бутунлай расво...



Эрлар бунча секин одимлар?
Нега бунча чопар хотинлар?
Қайда бұлса қиёмат, бало —
Хотин зоти олдда доимо.



Тугун ечилгани билан тугамас,
Бұла берар яна янгиси пайдо.



Халойиқ хотинлар каби бевафо,
Ёшлар томонига оғади доим.



Замон ўтиб кетди қолдириб доғда,
Ұша хотиралар күнгилда ҳамон.
Бизлар хукуматни бошқарған чоғда
Олтин замон эди, ҳа, олтин замон.



Не қиласай отин.
Айт, ким нега келган дунёга?



Танлаш бўлмас ишқда, ҳавасда.



Олтин тўй надур ўзи?
Эллик йил турмуш!
Олтиндир умр ўзи
Ўтса беуруш.



Яшай десанг баҳтиёр,
Кулфатдан йироқ,
Вақтида висол даркор,
Вақтида фироқ.



Курбақага ўргимчак

Оёйни бер.

Пайдо бўлар ўргамчик

Бадиҳа ё шеър.



Бир замонлар бизлар ҳам

Ёш эдик сиздек.

Вақт келарки, сизлар ҳам

Бўлурсиз биздек.



Агарда борлиқ бутун

«Мен»да бўлса жам,

Демакки «мен»да бу кун

Дониш жуда кам.



Фараз мухим ҳар ишда:

Эзгудан фараз,

Ажинадан фаришта

Ясайди фараз.



Ишонч менга ҳеч қачон

Бўлмаган йўлдош.

«Шайтон» билан «даргумон»

Ахир оҳангдош.



Ажабо, парвоз қилмоқчи бўласану бошинг айланиб
қолишидан қўрқасан.



Ҳа, гап қайтарганни йўқ қилиш золимларнинг азалий
одати!



Шижаатни қил одат,
Үйчилик зарап.
Кимки бұлса оқил, мард,
Шуники зафар.



Хаёт чүккисига интилур юрак,
Ором уйқусидан уйғонур дунё.



Биз ҳаёт шаъмини бұлурмиз ёқмоқ —
Лек тақдир аланга бергай бир жаҳон.



Ким биروف молини ўғирлаб сотар,
Ким биروف хотинин қучоқлаб ётар.
Ибодатхоналар мулки талондир,
Хеч кимдан құрқаса ўғри — ёмондир.



Курсида бепарво ўлтирур қози,
Ҳақиқат қидириб келгандар ҳайрон.



Золимлар ҳаддидан ошмасми бебок,
Ҳакамларнинг ўзи бұлғач мададкор.
Айбдорлар бунда фариштадек пок,
Беайб бечоралар эса айбдор.



Қози беролмагач ўғрига жазо
Демак, шерик бұлур унга ўзи ҳам.



Биз уларга шунча ҳуқық бердикки,
Ўзимиз ҳуқықсиз қолдик оқибат.



Олим мана шундай беради таълим:
Унинг учун йўқдир неки номаълум.
Нимани қўл билан тутолмаса ул –
Оlamda бор демак эмасдур маъқул.
Неники санашга етмаса бармоқ,
Демак, у файри илм, ёлғон ва чатоқ.



Халқда мана шундай мақол бор қари:
«Тунда қўнғир бўлар мушуклар бари».



Юксакка кўтарар инсонни меҳнат.



Гўзаллик ва қудрат бир бўлған чоғда
Нақадар улуғвор кўринур одам.



Ким агар тиласа ҳақдан саховат,
Ўзи ҳам мурувват қўрсатсин албат.
Ким май ичмоқ бўлса – узумни эзсин,
Ким мўъжиза кутса – эътиқод сезсин.



Меҳнатсиз келарми инжу билан зар?



Асли бизни шу кўйга солган
Дунё ўзи масхарабоздир.



Гўзаллик ва санъят ўзи
Эш бўлади аёлга.



Шоир гулга боқиб қолса,
Хар балолар деб күрар.
Лекин олма ёқиб қолса,
Аввал уни еб күрар.



Биласизми, мен қай дам
Бахти сезарман үзни?
Күпчиликка ёқмасам —
Айтиб ҳақиқат сүзни!



Хаёт учун шавқ, лаззат
Багишлагай назокат.



Инсон табиати мухталиф мангу,
Хаёт силлик бұлса тегади жонга.
Агар қүёшли күн берсанг инсонга,
У қору музликни қилади орзу.



Гуноҳ борми, демак, бор жазо,
Фойда бермас нола-ю ҳасрат.
Тавбаларга тоғ-тошдан фақат —
«Алқасос» деб қайтадир садо.



Умид билан құрқувдан
Ортиқ ёв йүқ инсонга.



Ниқоблик бандалардан,
Маңисиз хандалардан
Қоч танқолик гүшангга,
Сен лойиқсан үшангга.
У тиниқ ойдин дунё.

Үзинг каби мусаффо.
Унда гўзал, беғубор —
Яратурсан бир диёр.



Бирор қидиради бойликни — сени,
Бирор қидиради ижодни — мени.
Сени топган одам лаззат топади,
Мени топган одам заҳмат топади.



Билмас — яқин фалокат,
Мажбур қилса зарурат,
Ишин қўяр ноилож,
Қонундан зўр эҳтиёж.



Олтин, кумуш билан ёнма-ён
Қофоз бўлур элда ҳукмрон.



Сенга қанча ажина керак —
Хозир қилай. Чақирсан басдир.
Ялмоғизу шумкампиру жин
Кўз олдингда бўлсинми бунёд?
Танишларим ҳеч бири лекин
Бўла олмас хуру паризод!



Мажусийлар дўзахи ўзга,
Улар юрмас мен айтган сўзга.



Тушунаман, ушламоққа чўғ
Ўзгаларнинг қўли яхшироқ.



Йўқ мен сира ором истамам.
Агарда бир нафас тўхтасам —

Тұхтаттан ул мени — ҳайратдир,
Ҳайрат эса зүр саодатдир.
Одат қилур истагимиз тор,
Ҳайрат қилур чексизликка ёр.



Нимаики яшабди бир бор,
Яшамоққа уринар такрор.



Ана холос! Бұлолмас ошно
Тентак билан шайтон ҳам ҳатто.



Мұхтарам зот! Агар мабодо
Унут дея аталған дарё —
Хотирангиз ювмаган бұлса...



Немисларда фақат ёлғон гап
Назокатли бұлур ҳамиша.



Ахир ҳаёт тимсоли-ку қон,
Совумоғи юракнинг — мамот.
Ёшлик эса ёниб турған жон,
Яратгувчи ҳаётдан ҳаёт.



Неки олдда — ёруғдир ҳар дам,
Зулмат ичра — неки ортдадур.



Сен билғанни сенга қадар ҳам,
Билғанларин билсайдинг қани.
Шовқин солмоқ сойнинг одати,
Дарё бұлғач тинади албат.
Минг күпирсын узум шарбати,
Шароб бұлур бир кун оқибат.



Хали ёшсиз, шайтон кексадир,
Тушунарсиз кексайгач уни.



Поёнсиз эмас меҳнат,
Самари бүлгай албат.



Инсон эса ерда олий зот,
Олий тарзда булажак бунёд.



Не яратмиш ҳаёт мукаммал,
Қила олдик бизлар мушаккал.



Күп яшаган күп күрүр аён,
Унга очур асрорин олам.



Аммо дониш ҳали оламга
Берур неча дониш аҳдини.



Шундай ажыб қурилган жаҳон:
Ерга сигмас табий инсон –
Унинг учун чексиз олам тор.
Лекин сунъий одамга даркор
Фақат берк макон.



Бир бутундир тану жон азал,
Бир-бирисиз яшолмас, аммо –
Курашурлар нечун доимо?



Бир оз қилиб тузумни янги,
Сал ўзгартиб ҳаёт тарзини –

Яна бошдан талаш қилурлар...
Озодлик деб жанг қилас булар.
Аслида-чи, минг йилдан бүён
Куллар билан курашар қуллар.



Болада ҳам, кексада ҳам ўй:
Ўзлигини этмоқ барқарор.



Гоҳ ўзимиз яратиб қўйиб –
Бўйсинамиз унга ўзимиз.



Такрор бўлажакдур бу. Кимки зўрлик, куч билан
Салтанатни олибдур, зўрлик билан тутадур,
Осонликча бермайди рақибиға ҳеч қачон.
Ҳамда ўзини ўзи идора қилолмаган
Ўзгаларни доимо қилмоқ бўлур идора.



Аслида бизда ҳам уят йўқ, аммо
Ўта беҳаёдур қадимги дунё.



Қўнгил парисини излаган маҳал
Йўлдаги девлар ҳам кўркам кўринур.



Чинакам буюк киши
Камтар бўлур чинакам.



Гўзаллик не. Агар ул
Бўлса бир совуқ шиша.
Гўзалликнинг ҳамиша
Кулиб тургани маъқул.

Керак эмас мени даволаш,
Керак эмас менга бу шифо.
Дармон топиб қалбдаги оташ –
Сүнмоғини истамам асло.

Ким интилур файри имконга,
Хамиша бор меҳрим у жонга.

Фарб учун ҳам, Шарқ учун ҳам
Бирдек муниис она ер.

Аёлларсиз нимадир дунё?
Ажинасиз нимадир шайтон?

Бир хил экан бу олам
Шимол ҳам, жануби ҳам.

Йўқ, бу ишда фақат ўзингта ишон,
Файласуф бор, қайда бор бўлса сароб.
У саробга топмоқ бўлар шарҳ, жавоб,
Уни янчиб, буни қиласу хароб,
Янги бир саробни айлар намоён.
Янглиш қилмаганнинг ақли кирмайди.
Дунёга қайтадан келмоқчи бўлсанг,
Ўзинг интил, кураш, этгил ўзинг жанг,
Билки, ҳеч ким сенга ёрдам бермайди.

Тўлқин елга қулоқ тутади,
Тошга тегса – қайтиб кетади.

Ўт, вулқондан бўлди тоғ бунёд.
Сувдан келиб чиқади ҳаёт.



Үзгаришда доим табиат,
Дема тун, кун үзгарур фақат.
Буюк ишда тадрижийлик бор.
Дафъатанлик, онийлик – бекор.



Билки, майда нарсалар аро
Майдалашиб кетади одам.
Улуғларга ким бўлса ҳамдам
Катта ишлар қилур доимо,
Улуғ бўлар шунда ўзи ҳам.



Биз нимани йўқотар бўлсак,
Уни ортиқ қўмсаймиз фақат.
Қай масканни йироқдан кўрсак,
Кўзимизга кўринар жаннат.



Ундаи бўлса бор бўлак имкон,
Афсонани қилурмиз таҳрир.



Панд еса-да қанчалар, аммо –
Оқил бўлмас одамзод асло.



Лек яхшилик бор-ку дунёда.
Босганида минг туман алам,
Яхшиликнинг бир мисқоли ҳам
Аламлардан бўлгай зиёда.



Инсонлик йўли йироқ.



Ёмон эмас одам бўлиш ҳам,
Агар одам бўлса чинакам.

Шафқат, роҳат бўлса ёр –
Некбахтлиқдур икки бор.

Сувдан пайдо бўлур тирик жон!
Сув ҳаётнинг ижодкоридир
Ва боиси пойидоридур.

Сув – тириклиқ, жоннинг йўлдоши,
Уммондадур ҳаётнинг боши.

Гўзаллик билан номус сира бўлмас ёнма-ён,
Доимо бир-бираидан айру тушар йўллари...
Номус доимо гамгин,
Гўзаллик эса зафар шавқи ила мастона.

Гўзал ёнида хунук бадтар хунук кўринар,
Оқил ёнида аҳмоқ бўлар яна аҳмоқроқ.

Ким агар узоқ йиллар саодатга ёр бўлса,
Унга ўтган йиллари бир туш бўлиб куринар.

Лекин қисмат дастидан ҳеч кимсага йўқ омон,
Буни барча билади, лекин барча тан бермас.

Дониш ёр бўлса доим чора топилур албат.

Ҳусн шундай мулқдирким, йўқдир унинг тақсими!
Унга молик бўлса ким, ўзга бир кимса билан
Баҳам кўргандан кўра, уни йўқ қилур тамом.



Кимнинг истаги мүл, кимнинг баҳти бор,
Иzlар ўзга ҳамдам кимки баҳтиёр.
На ўтмиш, на эрта тилакдур бизга,
Баҳтиёр шу нафас керакдур бизга.



Не наф, муҳаббатдан кўп қилма-ю арз,
Бир дам бўлсин – яша. Яшамоқ – бу фарз.



Гўзал элчи хунук хабар келтирса,
Ўзи ҳам сўзидек хунук кўринур.



Давр сизни англамас,
Ўзга талаб этади.
Фақат дилдан чиқсан сас
Дилга бориб этади.



Майли қуёш сўнса ҳам,
Дилимизда бўлсин нур.
Бу оламда нима кам,
Нурли дилдан топилур.



Икки юракни фаррух
Айлар аввал муҳаббат.
Лекин бирикса уч руҳ –
Саодат шу, муҳаққақ.



Аёлни дема ожиз,
Бермас зулмга бардош.



Яшайберинг жим
Сокин маконда.
Менинг хаёлим
Кураш, суронда.



Ким шонли бурчин
 Билиб ҳар замон,
 Она юрт учун
 Фидо қылса жон,
 Ким элга яраб,
 Жангга қылса жаҳд,
 Уники шараф,
 Уникидир баҳт.



Құрқұв билмаган күкрак
 Истеңкомдан маҳкамроқ!
 Мард жанг қилиб әрк олар,
 Әрк йүлида түкар қон.



Далли девона эдинг,
 Үзни отдинг оғатға.
 Дилинг бегона эди
 Қонун ила одатға.



Шоирларға бу зүр топилдиқ,
 Қарзға берай вали либосин.
 То әнгилда узун ёпинчиқ
 Қобиляйт ўрнини боссин.



Кимки ўз номига эга бўлмаса,
 Кимки интилмаса юксаклик томон,
 Демак унсурларга қўшилур...



Билинг, фақат қилган иш, жасоратмас,
 Садоқат ҳам бизга бағишлагай ном.



Қашшоқ тўйса, бут бўлса ночор –
 Кўпаяди албат исёнкор.



Мадҳ этурлар шоирлар сени,
Авлодларга кўрсатиб ўннак.
Куйлаб бирнинг тентак ишини –
Улар кўпни қилурлар тентак.



Зулм – озод руҳ учун даҳшат.



Ҳокимларга ярашур шиддат
Ва буюрмоқ мингга, туманга...
Лекин сафо, айшу фарофат
Олиб тушар уни тубанга.



Шундай қилиб яшамоқ сўзи –
Жон сақламоқ бўлди оқибат.



Кимки яшар, ҳаётда бордир,
Уни эсиз демак бекордир.



Аммо хавфу хатар онida
Содиклик жўш уриб қонида,
Дўстинг бўлса ёнингда пайдо –
Бундай баҳтга сўз йўқдир асло.



Ким ўз қадру қимматин билур,
Шонин ўзи ҳимоя қилур.



Тан яшайдур фақат бош билан,
Бош уйқуга кетса ухлар тан.



Дунёда йүқ ортиқроқ бало
Адоватдан күра ўзаро.



Шарт шу: бұлинмасин яхлит мулк, давлат.
Шу туфайли қонун – ворисул ваҳдат.
Мамлакат бутунлик, бирлик била зур.



Табиатта ошно бұлсаму фақат,
Инсон бўлиб ерда қилсайдим меҳнат.



Заминда маҳкам тур, касб айла камол,
Фалакдан мангалик излама асло...
Интилишда – шодлик, фам, умид, армон,
Бирор сониядан топма қаноат.



Одамлар бұлади туғилишдан күр,
Сен ўлим олдидан күздан қолурсан.



Узоқ ҳаёт йўлин ўтдиму босиб,
Оlam ҳикматини айладим якун:
Ким – эрк, ҳаёт деб жанг қилолса ҳар кун –
Эрку ҳаёт учун ўша муносиб.



Яратмоқ, яъни, бор қилмоқдан мақсад –
Аслида, қайтадан йүқ қилмоқ фақат.
Интиҳо деймизу қани ибтидо?
У асли бормиди бұлмайин пайдо?



Қонли имзо била шартнома тайёр,
Бергум жон танни тарк айлаган они.

Бугун ўлукка ҳам ишониш қийин,
Тирилиб, туриб ҳам кетиши мумкин.

Жаҳаннам комлари кўпdir, албатта,
Ютурлар амали, номига қараб.

Эй руҳ, нимаким
Сенга бегона –
Унга бўлмагин
Сира ҳамхона.
Сени фалакка
Кўтарур фақат
Гўзаллик якка,
Ёлғиз муҳаббат!

Шайтон насабимга шон олиб келдим,
Ҳирс билан олишиб мен голиб келдим.

Гудакларга кулгу эмасми, ҳайҳот,
Қари шайтон бўлса банди муҳаббат.
Ўзинг жину сенга нима жин теккан?
Сени илинтирди охир бу қармоқ.
Аҳмоқлик шу қадар зўр қудрат экан,
Оқибат қилди у мени ҳам аҳмоқ!

Озод бўлди ул макруҳ
Домидан бу юксак руҳ.
«Кимга интилмоқ ёрдур,
Ҳақ ўзи мададкордур».
Кимга ёрдур муҳаббат,
Ҳақ олдида иззатда.
Уни малаклар албат
Қарши олур жаннатда.

Барини яратгувчи,
Сақлагувчи меҳрдур.

Шайтонда ҳам ул эзгу
Хис бир нафас уйгонди.
Дўзах аро ёнмай у
Севги ўтида ёнди.
Иблисларнинг раҳбари,
Бор инсу жинс сарвари
Дош беролмай қолибдир,
Кувнант! Мехр – голибдир.

Аёл кўнгли юмшоқдир,
Борми унга ҳимоя?
Атроф тўла алдоқдир,,
Тортгувчи бениҳоя.
Қизлар йўли тойғоқдир,
Йиқилмайин бўлурми?
Севги иши чатоқдир,
Йўлиқмайин бўлурми?
Ишқ аталган оташдан
Оташ борми зиёда?
Ширин сўз, ўт қараашдан
Омон борми дунёда?

Ўткинчи дунё
Бир тимсол фақат.
Бу ерда танҳо
Ҳосиллур мақсад.
Бунда – ҳақиқат!
Бизни ҳар замон
Мангум назокат
Тортар ул томон.

*«Ёш Вертернинг изтироблари» асаридан**

Жамиятда кўзга кўринган мавқени эгаллаган кишилар, гўё обрўдан айрилиб қолишдан чўчигандек, оддий фуқародан ўзларини четга тортадилар; яна шундай беқарорлар ва ичиқора такасалтанглар ҳам топиладики, улар ўзларини гўё оддий халққа илтифот кўрсатгандек тутадилару, бу билан ўз калондимоғликларини янада кўпроқ намойиш қиласдилар.



Фуқаро олдида обрусланишдан қўрқиб, ўзини четга тортишни маъқул қўрганлар рақибидан мағлубиятта учрашдан хавфсираб пусиб ётган қўрқоқдан афзал эмаслар.



Баъзилар инсон ҳаётини тушга қиёслайди, менда ҳам шу туйғу ҳукмрон. Инсондаги барча қобилиятларнинг ҳар томондан чеклаб қўйилганини кузатганимда, унинг барча интилишлари турмуш эҳтиёжларини қондиришга қаратилганини, бу эса аянчли ҳаётимизни тагин ҳам узайтиришдан ўзга нарса эмаслигини қўрганимда ва ниҳоят, бошқа илмий масалалардаги хотиржамлик, ўзлари қамалиб олган уйларнинг деворларини турли-туман расмлар ҳамда ранг-баранг шакллар билан безаган хаёлпастларнинг фаридитоатгўйлигидан ўзга нарса эмаслигини сезганимда... булар мени тилсиз қилиб қўяди.



Болаларнинг ҳамиша ниманидир хоҳлаб туришлари сабабини уларнинг ўзлари ҳам билмасликлари ҳақида барча билимдон хусусий ва мактаб муаллимлари бир хил фикр-

* Иогани Вольфганг Гёте. Ёш Вертернинг изтироблари. Роман.
– Т.: «Янги аср авлоди», 2006. Таржимон Янглиш Эгамова.

да, аммо катталарнинг ҳам худди болалардек ер юзида судралиб юришларига, улар ҳам қаёқдан келиб, қаёққа кетаётганларини билмасликларига, аниқ бир мақсадни кўзламай ҳаракат қилишларига ҳамда уларни ширин кулчалар, пироглар ва хипчинлар билан йўлга солиш мумкинлигига ҳеч ким ишонишни истамайди, бироқ менинг назаримда бу ҳол айни шундайдир.



Ўзларининг арзимас ишларига ва ҳатто интилишларига дабдабали ном бериб, буни инсон зотининг фаровонлиги ва саломатлиги йўлидаги улкан ишлар, деб ҳисобловчиларга ҳам яшаш жуда осон...



Бахтсиз кишининг турмуш машаққатларидан эзилиб, чидам билан ўз йўлида давом этишини ҳамда күёш нурини ҳеч бўлмаса бир дақиқагина кўпроқ куришга ҳамманинг бирдек ташна эканлигини англаб етган кишигина зорланмайди, ўз ҳаётини ўзи яратади ва инсон бўлганлигидан ўзини бахтиёр деб билади. Ҳамда, бу қанчалик мушкул бўлмасин, озодлик ҳақидаги ширин туйгуларини, истаган пайтида бу зулматдан қутулиб кетиш орзусини ўз қалбида мудом ардоқлади.



Ижтимоий тузумни қанчалик мақтаб гапирсалар, ундаги қонун-қоидалар борасида ҳам шу нарсани айтиш мумкин: жамият қонунлари асосида шаклланган одам қандайдир бемаънилик ва бузукликка йўл қўймайди, худди шунингдек, маълум қоидалар асосида тўқчиликда тарбия топган кишидан ҳам ашаддий жиноятчи чиқмайди. Менга истаганча уқтираверсинглару, бироқ қатъий қонун-қоидалар табиатни ҳис этиб, уни ҳаққоний тасвирлаш қобилиятини сўндиради!



Мени шундай ёзувчи мафтун қиласиди, токи унинг асарларида мен ўз дунёймни ва атрофимда кечачётганга

ўхшаш воқеаларни кўра олай, ҳикоялари мени ўз уйимдаги ҳаётимдек тўлқинлантисин ва ҳаяжонга солсин, бу ҳаёт жаннатмисол бўлмаса-да, ҳар қалай мен учун бениҳоя хузур-ҳаловат манбаидир.



Инсонда дунёни кезиш, янги кашфиётлар қилиш ва кенг бўшлиқлар оғушига интилиш истаги нақадар кучли-я!



Бизда ўз-ўзимизни ихтиёрий чегаралашга бўлган ички қаноат ҳисси яшайдики, бизни ўраб олган нарсаларнинг одатдагича тинч яшайверишини афзал кўрамиз.



Юрагимизни энг буюк, энг тотли ҳислар лаззатига қондиришга қанчалик ташнамиз-а! Биз истиқболга интилиб кўзланган мақсадга етай деганимизда-чи, ҳайҳот, ҳаммаси тағин эски ҳолига қайтади, биз яна ўша ожизлигимиз, чегаралангандигимизча қолаверамиз, қалбларимиз эса кўз илғамас бир роҳатни қўмсайди.



Агар ўзингиз болага айланмасангиз, унинг қалбига йўл тополмайсиз!



Агар одамларнинг бир-бирларини руҳан эзишларини, айниқса, ёшлар ҳаётларининг гуллаган даврида ҳар қандай хурсандчиликдан баҳраманд бўлиш ўрнига, арзимас гаплар учун қисқагина қувончли дамларини йўққа чиқаришларини ва ўтган ишни қайтариб бўлмаслигини анча кеч тушуниб қолишларини кўрсам, беҳад эзилиб кетаман.



Ширин хаёллар қанотида парвоз қилдириб, бизга олий баҳт ато этувчи Тангри биз билан қандай муомалада бўлса, биз ҳам болалар билан шундай муомалада бўлишимиз лозим.



Бу дунёда ҳамма нарса беҳуда натижага олиб келади; кимки вижданан ва ўз истаги билан эмас, балки бошқаларга ёқиш мақсадидагина пул, обру ёки яна бошқа бирор нарса учун меҳнат қилса, у — тентакдир.



Киши ўз баҳтини ўзи яратади, деган гап нақадар тұғри-я!



Ұғирлик, албатта, иллат ҳисобланади. Ўзини ва оиласини очликдан қирилиш хавфидан күтказиш мақсадида ұғирлик қилишга мажбур бұлган одам ачинишга лойиқми ёки жазогами?



Ҳаққоний қаҳри келиб ўз бевафо хотинини ва унинг ярамас хушторини қурбон қылған әркакка ёки бұлмаса, әхтиросли лаҳзаларда муҳаббатнинг бир минутлик лаззатига фарқ бўлиб, ўзини йўқотган қизга ким ҳам тош отади? Ҳатто биздаги ҳукуқшунослар, совуққон расмиятчилар ҳам бундай ҳолларда бир оз бушашадилар, жазолашга шошилмайдилар.



Ҳамма буюк кишилар бирорта улкан, хаёлга келмаган ишни амалга оширишса, ҳамиша уларни маст ёки жиннинг чиқаришларига аллақачон имоним комил бўлган.



Ўз-ўзига қасд қилиш ростдан ҳам кучсизлик-ку, турмуш азобларини енгишдан кўра, тинчгина ўлиб қўя қолиш осон-да, ахир!



Мустабид ҳокимнинг бениҳоя зулмидан эзилган халқ ниҳоят қўзғалса ва зулм занжирини узиб ташласа, сен буни ҳам кучсизлик, дейсанми?



Одамдаги тоқатнинг ҳам чегараси бор. Инсон қувончи
ни ҳам, дарду аламни ҳам маълум бир чегарагача кӯтари
олади, ўша чегарадан ўтдими, бас, у сўзсиз ҳалок бўлали.
Демак, бу ерда гап унинг кучли ёки кучсизлиги ҳақили
эмас, балки у одам ўз азоблари меъёрига — у маънавийми
ёки жисмонийми, барибир — бардош бера олиши ҳақида
боряпти.



Қаттиқ безгакдан ҳалок бўлган кишини қўрқоқ дейиш
қанчалик ақлга сифмаса, ўз-ўзини ўлдирган одамни ҳам
қўрқоқча чиқариш номаъкулдир.



Киши бир-бирига қарама-қарши кучлар тусигидан
кутулишга йўл тополмайди ва ҳалокатга учрайди.



Инсон ҳамиша инсондир. Одамдаги қизиққонлик
шиддатли тус олган пайтда у эга бўлган заррача ақлнинг
деярли аҳамияти қолмайди ва у инсонликка хос чегара-
дан чиқиб кетади.



Бу дунёда камдан-кам кишилар бир-бирларини тушу-
надилар.



Шу нарса аниқки, дунёда муҳаббатгина кишини азиз
қилади.



Кишилар илк таассуротга кўпроқ бериладилар ва ҳар
қандай ҳақиқатдан узоқ нарсаларга ҳам ишонаверадилар,
у мияга чукур ўrnashadi; бу билан ҳисоблашмайдиган одам
хато қилади.



Нега шунақайкин-а, кишига баҳт келтирувчи нарса унинг азобларига ҳам йўл очиб беради?



Фикр доиранг шу қадар тор бўлганлиги учун ҳам ҳамма нарсага шундай тор назарда қарайсан!



Бирор дақиқа йўқки, сени, сенинг яқинларингни емир-масин, бирор дақиқа йўқки, ўз ихтиёргандан ташқари бўлса-да, бузғунчи бўлмасанг: кичик бир сайр ҳам минглаб кумурсқаларнинг ҳаётини қуритади, биргина қадам ташлашинг шўрлик чумолиларнинг маşaққат билан қурган уяларини вайронага айлантириб, бутун бир кичкина дунёни ер билан яксон қиласди.



Ўз-ўзимиздан жудо бўлдикми, демак, биз учун ҳамма нарса йўққа чиқади.



Аҳволимни ўзгартиришга бўлган мендаги интилиш ҳамиша менга эргашиб юрадиган оғир бир ички нотинчликдир, балки?



Ҳаёт гуллари фақат ҳаёлдангина иборат! Уларнинг қанчаси из қолдирмасдан йўқолиб кетади! Фақат озгина қисми ҳосил беради ва бу ҳосилнинг ҳам жуда ози етилади!



Бепарвороқ бўлсанг, ҳамма нарса енгил кўчади!



Фаму шодлик ҳам биз муносабатда бўладиган нарсларга боғлиқ, бунда энг хавфлиси ёлгизликдир.



Поэзиянинг хаёлий образларидан озиқ олган, табиатин юксакликка интилувчи бизнинг тасаввуримизда шундай кишилар қиёфаси яратилганки, улар биздан гүё юқори гуради, ўзимиздан бошқа ҳамма нарса бизга жозибалироқ туюлади ва ҳар қандай бошқа одамни ўзимиздан кўра етукроқ деб ўйлаймиз. Бу мутлақо табийидир.



Ўзимизда кўп хислатлар етишмаётганини ҳар қадамда ҳис этамиз, уларни ўзга кишиларда кўрамиз, ўзимизда мавжуд фазилатларни ҳам унга ёпиштириб, яна бунинг устига уни руҳан тинч, бегам, деб ўйлаймиз. Шундай қилиб, биз хаёлан яратган баҳтли инсон тайёр.



Гоҳида биз иккиланиб, курдатимизга ишониб-ишонмай зўрға олдинга силжисак ҳам, бор кучини ишга солиб, жадал ҳаракат қилгандардан кўра, йиқилиб-чалишиб бўлсада, илгарироқ кетганимизни сезамиз, шунда бошқаларга стиб, ҳатто ўзиб кетиб, ўзингта бўлган ҳақиқий ишончни ҳис этасан киши.



Рост гап, сенга ўз багрини очган буюк қалбнинг иссиқ меҳрини туйишдан ҳам ортиқроқ шодлик дунёда бўлмаса керак.



Ўз билимини кенгайтириб, уни умум манфаатига бағишилашга ва кундалик ҳаётга шу даражада фаол иштирок этиш баҳтига мұяссар бўлган кишиларни камдан-кам учратганман.



Худо ҳаққи, тубан бир ҳолда ўзини шарманда қилишдан тортинмайдиган кишиларга ҳеч тушуна олмайман.

Расмиятчиликка муккасидан кетган, йиллар давомида бошқалардан бир пофона юқори күтарилишдан ўзга ўй-фикари ва интилишлари бўлмаган одамларни ким деб ҳисоблаш мумкин-а?!

Мавқенинг мутлақо аҳамияти йўқлигини, юқори мав-кени эгаллаган киши камдан-кам асосий ролни ўйнай олишини бу аҳмоқлар нега тушунмайдилар-а?

Маънавий сокинлик ва ўз-ўзидан қониқиш зап ажо-йиб нарса-да! Бу бойлик қанчалик қимматбаҳо ва гўзал бўлгани билан бу қадар мўрт бўлмаганида эди!

Умр ўтказиш учун инсонга озгина, қабр учун эса, ун-дан ҳам озорқ ер парчаси кифоя.

Хаёл – худонинг буюк марҳамати!

Дунёдаги ноёб нарсаларни қадрлашга фаҳму фаросати етмайдиган одамлар ҳам борлигини курсанг, тепа сочинг тикка бўлади кишининг.

Оҳ, одам бу қадар ўткинчи, ҳатто ўзи ўйнаб-ўсган, ўз ҳаётидан ҳақиқий из қолдирган жойда ҳам, ўз яқинларининг қалбида ҳам унинг хотираси жуда тез учиб, йўқ бўлиб кетиши мумкин!

Кишилар бир-бирларига ниҳоятда оз нарса бағишлий олишларини ҳис этсан, кўксимни чок этиб, бошимни эз-filaаб ташлагим келади.



Менинг динни қадрлашимни биласан; унинг руҳан эзилгандар учун таянч, умидсизланганлар учун тасалли манбаи әканлигини тушунасан.



Бошга тушганга чидаш, ҳаёт жомини тубигача симириш — инсон қисмати мана шу бўлмай, нима?



Донишманд кишилар хусусида гап кетганда, улардаги ҳар бир ҳаракатнинг туб сабабини очиб бериш қанчалик қийинлигини ҳам эслатиб ўтамиш.

«Farbu Шарқ девони»дан*

Эътиқодда чексиз маъно
Қисқа сухан – фикри доно –
Гавҳардан ҳам қиммат мудом,
Муқаддасдир зеро Калом.



Ишқни ким дер яшириб бўлар,
Кўзлар уни билдириб қўяр.



Гўзалликка ёв қабоҷат,
Қабоҷатдир душманимиз.



Қариликда не ғам,
Яшагил қувноқ.
Севасан, бўлса ҳам
Сочларингда оқ.



Қиз билан суҳбат маҳал
Камтарлик даркор,
Агар бўлсангиз дағал
Қиз сиздан безор.



Менга мангулик сирин
Очган донишманд,

* Иоганн Вольфганг Гёте. «Мағрибу Машриқ девони»дан // «Шарқ юлдузи», 1985. №1. «Farbu Шарқ девони» // Жаҳон адабиёти, 1999, №7–8. Немисчадан Садриддин Салимов таржималари. Қаранг: Йоҳан Вольфганг Гёте. Farbu Шарқ девони. Олмон тилидан С. С. Бухорий таржимаси.// Кириш сўзи А. Сайдовники. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2010. 164 б.

Доим бұл камтар, деб
Берган эди панд.



Қонун бурчдир, қонун умиддир.



Агар чалғиб шоир ботса гуноҳга,
Үзи жавоб беражақдир Аллоҳга.



Муродим май ичиб, сен бирла баҳсдур,
Сенингдек севсаму сұнг майли үлсам.
Аё, мутриб! Құшиқ айт, сұзда жондур,
Фазал күхна ва лекин навқирондур.



Шеър гузал янги вазн, қофия билан
Иқтидор әгаси билади, аммо –
Курук ниқоб дархол йиртилар экан,
Вазнда жону қон йүқ әруп асло.



Барча ғамдан бұлгунг озод
Лаъли лабини күриб,
Сұнг кишанбанд бұлиб, ҳайҳот,
Қолажаксан термулиб.



Сен насиҳат этдинг ҳар дам
Хоҳи вазир, хоҳи шоҳ,
То дунёда билиб қадам
Қўйсин, бўлмасин гумроҳ.



Ҳа, муҳаббат риёзатдур
Гумроҳ наздида роҳатдур,
Ундан на зар, на зўр етгай,
Ошиқни девона этгай.

Бўлмоқ керак ҳушёр ҳар вақт,
Кўпдир маъшуқ қулфати,
Ўзинг, дилбар, офати жон,
Узугинг жон роҳати.

Гапларинг рост, иқрорман, бироқ
Ишқ дардига бормиди даво.
Билияпсанми, сўнаётган шам
Уни этар қанчалик равшан?
Мен ҳам шундай бўламан адо.

Керак эмас зар-зевар,
Олтиндан баҳт қимматдир.

Ўтган ўтди, эй бехабар,
Англа, дам ғаниматдир!

Сўнг ўйласам покиза
Яшашда маъно,
Ўгрилиқдан қашшоқлик
Доимо аъло.

Бирлаштириб дарду қувончни аммо
Яшай олган баҳтли эрур доимо.

Аёлларга бўлгин мушфик, меҳрибон!
Эгри қовурғадан аёлни бино –
Айламиш, ани рост этмасдан Худо.
Уни эгмоқ бўлсанг, синадур осон.
Агар тегилмасанг, бўлар эгрироқ,
Эй ҳазрати Одам, бизга бу сабоқ!

Аёлларга бўлгин мушфик, меҳрибон,
Қовурғага шикаст берма ҳеч қачон.



Дунё, сен мунчалар безбет ва ёвуз!
Едириб, ўстириб, сўнг оласан жон.
Лекин ким Аллоҳнинг меҳрин қозонса,
Едиргай, ўстиргай ҳам асрар мудом.



Ойинада аён: гўзалман беҳад!
«Қаритади, — дединг, — сени ҳам қисмат».
Фақат Тангри эрур абадий, эй ёр.
Абадий ёшдирман сен севган фурсат.



Собиқ янги супургини
Сира ҳурмат қилмайди.
Янгиси-чи, собигини
Назарига илмайди.



Ярим одам — ақли калтадир,
Доноларни эзади доим.



Озод этмоқ шартдир мажнунни,
Инсофни-да юракка жойланг.



Пасткашлардан шикоят
Айлама бекор,
Разил кучлидир фоят,
Арзинг этмас кор.



Дунёдан сен таъма этма,
Гарчи орзу бепоён.
Дунё ўтар, орқа-ўнгга
Қаролмай қолар инсон.

Үқисалар агар Қуръондан оят
Атардилар шу он сура номини.
Хар мусулмон эхтиром этиб гоят
Пок тутарди доимо имконини.

Халоскор сен үзинг, муқаддас Қуръон!

Үздан кетма,
Кеча олган неъматингни
Хозирги кун ё тунингдан
Талаб этма.

Тақдир имтиҳон этса, гунг бўл, одамзот,
Фойда бермас айламак минг доду фарёд.

Гар аламзада юрак
Ноумид бўлса, бешак –
Даволай олар кам-кам
Дўст сўзи мисли малҳам.

Яшай олгай ҳар жойда, ҳар вақтда соз –
Кимки ростгўй, оқилу муросасоз!

Ёшлар эски сўзни такрорлаб,
Янги сўз деб ўйлар ҳар қачон.

Вақтингни айлама сарф
Бехуда баҳсга, ўртоқ.

Нодон-ла жанжаллашса
Доно ҳам бўлар аҳмок.



Тун зулмат бандида, нур-чи – Худодан,
Бұлсайдик баҳраманд биз ҳам зиёдан.



Офат йўқ жим турган маҳали,
Тилидандир ҳар ким ажали.



Ўз дардини мисли табиб
Билса бемор, бўлар ноумид.



Нодон ҳар ҳодисани ўзича шарҳлашга шай,
Ҳар ҳодиса сабабини билгум, деган авом-да!



Аллоҳга итоатдур Ислом деган сўз асли,
Исломда яшаб ҳамма, ўлажакмиз Исломда.



Дунёга келган маҳал
Уй қурдик. Биз ўтган дам
Ўзгаси қуарар илдам,
Уй-чи, ҳамон нотугал.



Кичик уйга, аё дўст,
Айла қаноат.
Каттасини кўрмоқقا
Етмайди фурсат.



Инсоннинг эшаги ҳатто
Маккага борса ҳамки,
Ўзгарди дейиш хато –
Ўзгармас асло ҳанги.



Қизиқ экан дунёда, фақат
Хатога эришса Ҳақиқат.

Хақиқатхон гүзәл мисли гул,
Бу ишлари валекин маңқул,
Жаноб Хато әргашган фурсат –
Хақиқатхон айлайды нафрат.

Түшимда осмон ойга
Үз бағрин очар эди,
Күз очганимда эса
Күёш нур сочар эди.

Тұхфа этмоқ, олмоқ асли – Баҳт,
Хұзур етгай севгидан ҳар дам.

Бир-бирига талпинса, севса,
Жаннат шудур ошиққа, әркам.

Бенаво гадоман демагин зинҳор,
Ишқи бор юраклар навосиз бұлмас.

Бағримда сен бугун тополдинг қарор,
Давлату баҳт шудир, бошқаси абас.

Ажаб, булбұл күйлайди нени?
Атиргулда қайдан ҳиду ранг?

Рұхим танни этади тарқ
Сұнгги бұсанг билан, ёр.

Умр деган үтар, не ғам,
Үтма үзинг бенаво.
Нени құлдан бой берсанг ҳам,
Үзни бой берма аммо.



Қанча чуқур бұлса, шу қадар
 Чашма суви тиниқ бұлади.
 Дилдаги ҳис – түйфу ҳар сафар
 Фаройиб бир күшиқ бұлади.



Омонаст бу дунёда ҳар ким
 Недир билан овунар ҳар дам.
 Менга овунч – ёниқ күзларинг,
 Ҳамда дилинг гупури, санам.



Үхшатса гар – этади жаранг –
 Шоир үзни шох, ё қүёшга.
 Лекин тунда унинг ҳоли танг –
 Мунгли хаёл ўрмалар бошга.



Гулчамбардай сени безайди
 Олтин ҳарф-ла битилган калом.



Үзгаларга куйлагин күшиқ,
 Ножоиздир бермогим үгіт:
 Соқий билан бұлганда лекин
 Күшиқ эмас, яхшидур сукут.



Камтарликни үзингга этсанг пеша,
 Илоҳ сенга ҳамроҳ бұлгай ҳамиша.



Сахий одам жойи бұш қолгай мутлоқ.



Барча инсон – кичик ё катта
 Йигиради тун-күн албатта,
 Үз оламин ўргимчак мисол
 Ва үлтиргай у ерда хушқол.



Қайда еру сув әмас ифлос,
Қүёш нури унда бекиёс.



Қайда мәхнат шараф бұлса, бас,
Унда ҳаёт боқий, муқаддас.



Жаннатдан сұзласа содиқ мусулмон,
Жаннатда кезгандай тасвиirlар, бешак –
Ишонар не ваяда айлаган Куръон,
Бу эса мустағкам иймөндөн дарап.



Бағримни тұлдириб, дилимта ором
Бахш айлаб турибди самовий лаззат.
Құлымда кавсарнинг суви тұла жом,
Рұпарамда эса абадий жаннат.



Хар дақықа мени қийнайди хаёл:
Наҳот бир кун тугаб қолади висол?



Бу ҳадисга Бўри риоя
Айлайди эрта-ю кеч:
«Бадавлатдан қўй олгин,
Камбағалга тегма ҳеч».



Шиддат билан кезсам ҳамки
Чексизлиқда йўқ ҳудуд.

МУНДАРИЖА

Гёте ҳикматлари — заковат хазинаси	3
Гёте ҳикматлари	8
Гёте ҳаётидан ҳангомалар	56
«Фауст» асаридан	58
«Ёш Вертернинг изтироблари» асаридан	93
«Фарбу Шарқ девони»дан	102